БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 43 (1047)

1 МАРТ ШАНБА 1958 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Коммунистик партия қишлоқ хўжалигини янада кескин суратда юксалтириш йўлидаги, аҳоли учун озиқ-овқат ва енгил саноат учун хом ашё мўл-кўллигини вужудга келтириш йўлидаги курашни бундан буён ҳам зўр ғайрат билан давом эттиражагини изҳор қилади.

(Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг барча сайловчиларга Мурожаа тидан).

КОЛХОЗ ТУЗУМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МАШИНА-ТРАКТОР СТАНЦИЯЛАРИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети сессиясида ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ қиладиган докладнинг тезислари

I.

СССР қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий якунлари

1. Совет мамлакати экономика ва маданиятни зўр куч билан юксалтириш, фан ва техникани яшнатиш, халқнинг фаровонлигини тинмай ошириш йўлидан бормоқда. Социалистик саноат ва аввало оғир индустрия жуда тез суръатлар билан ривожланмоқда. Саноатни ва қурилишни бошқариш кейинги вақтларда қайта қурилганлиги ишлаб чиқаришнинг жуда катта резервларини ишга солиб юборди, жуда кенг меҳнаткашлар оммасининг ижодий ташаббусини ва активлигини ошириб, индустриямизни ва мамлакатнинг бутун халқ хўжалигини ривожлантиришда янги босқич бўлди.

Коммунистик партия ишлаб чиққан энг муҳим тадбирларни қунт билан амалга ошириш натижасида социалистик қишлоқ хўжалигимиз қисқа муддат ичида мавжуд қолоқликни тугатди ва катта муваффақиятларга эришди. Мамлакатнинг шарқий районларидаги қўриқ ва бўз ерларнинг жуда катта массивлари ўзлаштирилганлиги туфайли бутун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асоси бўлган дон хўжалигини ривожлантиришга катта қадам қўйилди. Кейинги йилларда чорвачилик соҳасида анча муваффақиятлар қўлга киритилди. Илғор колхозлар ва совхозларнинг ташаббуси билан аҳоли жон бошига гўшт, сут ва ёғ етиштириш жиҳатидан яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш вазифасини ҳал қилиш учун умумхалқ ҳаракати авж олиб кетди.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари юксалиб бораётганлиги асосида миллий даромад ўсмоқда, меҳнаткашларнинг турмуш шароити яхшиланмоқда, уй-жой бинолари қуриш кенгайиб кетди. Иттифоқчи республикаларнинг ҳуқуқларини янада кенгайтириш соҳасида партия томонидан ўтказилган тадбирлар уларнинг экономикасини ва маданиятини тағин ҳам тезроқ ўстиришни таъминлади, СССР халқларининг тағин ҳам кўпроқ жипслашувига, уларнинг бузилмас дўстлигини мустаҳкамлашга олиб келди. Энзиликда Совет Иттифоқи тинчликнинг қудратли таянчи, илғор фан, техника ва маданиятнинг ҳамма эътироф қилган жуда муҳим маркази бўлиб қолди. Ўзининг жуда катта кашфиётлари билан жаҳон тараққиёти ишига зўр ҳисса қўшмоқда.

Коммунистик партия КПСС XX съездининг тарихий қарорларини изчиллик билан амалга ошириб, бутун совет халқининг куч ва ғайратини коммунистик қурилиш планларини бажаришга йўналтирмоқда. Партиямизнинг кучи шундаки, у ҳамиша турмуш билан бирга боради, меҳнаткашлар кенг оммаси билан жуда яқиндан боғланган, халқнинг ташаббусига ва активлигига, халқнинг яратувчи ижодкорлигига катта йўл очиб беради. Партиямизнинг кучи шундаки, у марксизм-ленинизм назариясига амал қилиб, тараққиётнинг ҳар бир янги тарихий босқичида асосий бўғинни топиб ола билади, шу бўғинни ушлаб олиб, мамлакатнинг коммунизм йўлидан олга боришини таъминлайдиган энг муҳим вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш мумкин.

СССР тараққиётининг ҳозирги босқичида иқтисодий қурилиш соҳасида саноатни бошқариш қайта қурилганидан кейин колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилишдан иборат энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган халқ хўжалик вазифаси биринчи ўринга қўйилмоқда. Колхоз қурилишининг практикаси, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига тағин ҳам кенг майдон очиб бериш, мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини вужудга келтириш заруряти бу вазифани қатъий қилиб қўймоқда.

2. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, уни социалистик негизда қайта қуриш масалалари ҳамиша Коммунистик партиянинг ва Совет давлатининг диққат марказида туриб келди. Коммунистик қурилишнинг В. И. Ленин ишлаб чиққан программасида мамлакатни индустрлаштириш ва электрлаштириш плани билан бир қаторда кооператив плани энг муҳим ўринни олиб турибди. Бу план кўп миллионли меҳнаткаш деҳқонлар оммасини социализм қуришга тортишнинг бирдан-бир тўғри йўлини, машиналаштирилган йирик социалистик қишлоқ хўжалигини вужудга келтириш йўлини кўрсатиб берди.

Ленининг доҳиёна кооператив плани шунга асосландики, фақат мамлакатни индустрлаштириш негизидагина йирик социалистик қишлоқ хўжалигига ўтиш мумкин, меҳнаткаш деҳқонлар фақат ишчилар синфи билан иттифоқ бўлганларидагина, ишчилар синфининг раҳбарлигидагина социализмга ўтишлари мумкин.

Коммунистик партия Ленининг кооператив планини амалга ошириб, оммавий колхоз ҳаракатини тайёрлади ва ташкил қилди, бу ҳаракат колхоз тузумини барпо қилишга, деҳқончиликда янги, социалистик ишлаб чиқариш усулининг қарор топишига олиб келди. Бу эса катта тарихий аҳамиятга эга ғалаба бўлди, чунки бу ғалаба социализм қурилишининг энг мураккаб вазифаларидан бирини муваффақиятли ҳал қилишга имкон берди. Миллион-миллион энг камбағал деҳқонлар ва батраклар қулоқлар асоратидан, қашшоқлик ва зулматдан халос қилиндилар. Ёппасига коллективлаштириш негизида қулоқларнинг синф бўлиб яшаши тугатилди, совет қишлоғида одамнинг одам томонидан эксплуатация қилиниши абадий йўқотилди. Колхоз тузуми қарор топиши билан меҳнаткаш деҳқонлар янги турмуш қуришнинг ёруғ йўлига чиқиб олдилар. Мамлакатни индустрлаштириш муваффақиятли равишда ўтказилганлиги, қишлоқ хўжалиги тракторлар, комбайнлар ва бошқа замонавий машиналар билан таъминланганлиги туфайли майда деҳқон хўжаликларини социалистик асосда қайта қуриш мумкин бўлди. Қишлоқда социализмнинг ғалабаси ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқининг улуғ ҳаётий кучини кўрсатди, бу бузилмас иттифоқни тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлади.

3. Колхоз тузуми барпо қилинганлиги ва мустаҳкамланганлиги партиямиз ленинча бош йўлининг тантанасидир. Мамлакатимизда бундан ўттиз йил олдин 25 миллион тарқоқ деҳқон хўжаликлари бор эди, уларнинг ўрнида Совет Иттифоқида машиналаштирилган йирик социалистик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши вужудга келтирилди. Ҳозирги вақтда мамлакатда 78 мингга яқин колхоз, 8 минг МТС ва 5800 совхоз бор.

Қишлоқ хўжалигида вужудга келтирилган социалистик ўзгаришлар ва қишлоқ хўжалиги замонавий техника билан қуроллантирилганлиги халқ хўжалигининг ана шу муҳим тармоғида меҳнат унумдорлигини анча оширишни таъминлади. Мамлакат қишлоқ хўжалигининг товар маҳсулоти бир неча баравар кўпайди. 1932 йилда, колхозлар барпо бўлган дастлабки даврда улар Совет давлатига 800 миллион пуддан сал кўпроқ ғалла топширган бўлсалар, 1956 йилда колхозлар 2 миллиард 370 миллион пуд ғалла топширдилар; 1932 йилда 1 миллион 162 минг тонна пахта топширган бўлсалар, 1957 йилда 3 миллион 780 минг тонна пахта топширдилар, 1932 йилдаги 4 миллион 198 минг тонна қанд лавлаги ўрнига 1957 йилда 37 миллион 264 минг тонна қанд лавлаги топширдилар; 1932 йилдаги 136 минг тонна ўрнига 1957 йилда 2 миллион 909 минг тонна гўшт топширдилар; 1932 йилдаги 746 минг тонна сут ўрнига 1957 йилда 13 миллион 79 минг тонна сут топширдилар; 1932 йилдаги 19 минг тонна ўрнига 1957 йилда 170 минг тонна жун топширдилар; картошка ва сабзавотни икки баравар кўп топширдилар. Йирик социалистик корхоналар бўлган совхозлар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқдалар. Совхозлардаги ғалла экилган майдонларнинг ҳаммаси 1932 йилда 7,9 миллион гектарни ташкил қилган бўлса, 1957 йилда 35,5 миллион гектарга етди. Совхозларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳажми кейинги йилларда анча кўпайди. Мамлакатдаги бутун экин майдонининг тўртдан бир қисмидан кўпроғи ва дон экинлари экиладиган бутун майдоннинг қарийб 30 процанти совхозларга тегишлидир. Ғалла совхозларида дон етиштириш ва уни давлатга топшириш 1956 йилда 1953 йилдагига нисбатан беш баравар кўпайди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини давлат йўли билан тайёрлаш сохасида ҳам совхозларнинг аҳамияти ошди. давлат томонидан тайёрланган ва харид қилинган жами гўштнинг 21 процентини, чўчқа гўштининг 32 процентини, сутнинг 21 процентини ва жуннинг 27 процентини 1957 йилда совхозлар топширди.

Совет давлатининг ғамхўрлиги туфайли социалистик қишлоқ хўжалигининг бақувват моддий-техника базаси вужудга келтирилди. СССРнинг бутун қишлоқ хўжалигида 1932 йилнинг охирида (15 от кучига айлантириб ҳисоблаганда) 148 минг трактор, 14 минг юк автомобили, 14 минг ғалла комбайни бўлган бўлса, ҳозирги вақтда 1 миллион 700 мингга яқин трактор, 660 минг юк автомобили ва 450 мингдан кўпроқ ғалла комбайни бор.

Колхозларнинг ижтимоий ишлаб чиқариши ўсганлиги натижасида колхозчи деҳқонларнинг турмуш даражаси анча ошди. Колхозчиларнинг реал даромадлари революциядан олдинги Россиядаги меҳнаткаш деҳқонларнинг даромадларига нисбатан таққосланувчи нархлар билан ҳар бир ишловчига ҳисоблаганда тўрт баравар, текин ўқитиш ва даволашни, нафақаларни ҳамда давлат ҳисобидан бериладиган бошқа тўловлар ва енгилликларни қўшиб ҳисоблаганда эса олти баравар кўпайди. Янги турмуш қуриш ва коллектив меҳнат жараёнида ажойиб колхоз кадрлари вояга етди, ижтимоий социалистик ишлаб чиқаришнинг актив қатнашчилари бўлган янги кишилар ўсиб етишди ва шакилланди.

Фашист босқинчилар Улуғ Ватан уруши даврида қишлоқ хўжалигига жуда катта зарар етказганликларига қарамай, колхоз тузуми ана шундай зўр муваффақиятларга эришди. Социалистик қишлоқ хўжалиги уруш вақтининг шиддатли синовларидан муваффақият билан ўтиб ва уруш етказган жароҳатларни тез тузатиб олиб, ўзининг ҳаётийлигини, ўзининг қудратли кучини кўрсатди.

4. Партия Марказий Комитети социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилиб, ўзининг (1953 йилдаги) сентябрь Пленумида ва кейинги Пленумларида қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда рўй берган ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши айрим тармоқларининг орқада қолиб кетишига сабаб бўлган жиддий камчиликларни ва хатоларни очиб ташлади. Партия ишнинг бундай аҳволда бўлишига тоқат қилолмади. бақувват саноат билан бир қаторда аҳолини ва давлатнинг бошқа ҳамма эҳтиёжларини тўла равишда таъминламоқ учун талаб қилинадиган миқдорда озиқ-овқат ва хом ашё етиштириб беришга қодир бўлган ва ҳар томонлама ривожлантирилган қишлоқ хўжалигига эга бўлишни зарур деб ҳисоблаб келди ва ҳисоблайди.

Партия қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш вазифасини энг муҳим умумхалқ вазифаси деб олдинга сурганида совет жамиятининг ҳаётий эҳтиёжларини назарда тутди, партия бу вазифани қўйишда марксизм-ленинизмнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши жуда катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги, озиқ-овқатни мўл-кўл қилмаслан туриб коммунизмга ўтиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги программ кўрсатмаларига амал қилди.

Илмий коммунизм асосчилари деҳқончиликнинг ва озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг жамият ҳаёти учун жуда муҳим роли борлигини неча марталаб уқдириб ўтганлар. «Озуқа воситалари ишлаб чиқариш,— деган эди К. Маркс,— бевосита ишлаб чиқарувчилар ҳаётининг ва умуман ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг энг биринчи шартидир». («Капитал», III, 647-бет). В. И. Ленин социалистик қурилиш планларини ишлаб чиқаётганида, ғалла учун кураш социализм учун курашдир, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш, бутун мамлакат халқ хўжалигини ва меҳнаткашларнинг турмуш даражасини юксалтиришнинг муқаррар шартидир, деб неча марталаб тушунтириб ўтган эди. «Агар ишчи-деҳқонлар ҳокимияти,—деган эди Ленин,—ишчи ва деҳқонларнинг биргалашиб куч ва ғайрат кўрсатиши орқасида, саноатда банд бўлган ишчиларни озиқ-овқат билан таъмин қилиш учун, ўн ва юз мингларча ишчиларни Совет ҳокимиятига керак бўлган томонга қаратиб ҳаракат қилдириш имкониятига эга бўлиш учун зарур озиқ-овқат фондини тўплай олмаса, ишчи-деҳқонлар ҳокимиятининг давлати сифатида ҳеч қандай социалистик мамлакатнинг бўлиши мумкин эмас. Бусиз фақат қуруқ гап бўлади, холос. Хўжаликнинг ҳақиқий асоси — озиқ-овқат фондидир... Бундай фонд бўлмаса, социалистик сиёсат фақат орзу бўлиб қолади» (В. И. Ленин, Асарлар, 31 том 538-539-бетлар).

Коммунистик партия қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш учун умумхалқ курашини ташкил қилиб, турмушдан ажралиб қолган, партиянинг ленинча йўлига қаршилик кўрсатиб келган, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш, колхозчиларнинг жамоат хўжалигини ривожлантиришдаги моддий манфаатдорлиги принципини изчиллик билан ўтказиш сингари жуда муҳим тадбирларни амалга оширишга қарши ҳаракат қилиб келган консерваторларга ва догматикларга қақшатгич зарба берди.

5. Қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтиришнинг, дон етиштиришни ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг Марказий Комитет Пленумларида ва КПСС XX съездида партиямиз томонидан ишлаб чиқилган кенг программаси муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда.

Бу программа қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш техника базасини анча кучайтиришни, колхозларни, МТСларни ва совхозларни малакали мутахассис, ташкилотчи ва ишчи-механизатор кадрлар билан мустаҳкамлашни, колхоз ишлаб чиқаришини кенгайтиришда колхозлар ва колхозчиларни моддий манфаатдор қилишнинг ленинча принципини изчиллик билан амалга оширишга, колхозларда бошқарув ишларини янада демократлаштиришга қаратилган бир қанча чора-тадбирларни ўтказишни кўзда тутган эди.

Партия ва Совет давлати бу программани амалга ошириш соҳасида жуда катта ишлар қилди, буни қуйидаги рақамлар яққол кўрсатиб турипти. 1954-1957 йиллар даврида қишлоқ хўжалигига 908 минг трактор (15 от кучига айлантириб ҳисоблаганда), 293 минг ғалла комбайни, силос йиғиштириб берадиган ва маккажўхорини ўриб-йиғиштириб берадиган 143 минг комбайн, 467 минг юк автомобили, 684 минг трактор сеялкаси юборилди. Қишлоқ хўжалигига малакали кадрлар билан катта ёрдам кўрсатилди. Колхозларда ва МТСларда 1953 йил 1 июлда ишлаб ва махсус ўрта мактабларни 83 минг мутахассис ишлаган бўлса, 1957 йил 1 декабрда бундай мутахассисларнинг сони 277 минг кишига етди.

Совет давлати кейинги тўрт йил мобайнида қишлоқ хўжалигига — ишлаб чиқариш бинолари, иншоотлар қуришга, тракторлар, машиналар ва ускуналар ҳақини тўлашга — 75 миллиард 400 миллион сўм, ёки иккинчи, учинчи, тўртинчи беш йилликларнинг ва бешинчи беш йилликнинг уч йилнинг ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда, шу мақсадларга сарфланган капитал маблағларга нисбатан (таққосланувчи нархларда) 10 миллиард сўм кўп капитал маблағ сарфлади.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорларига мувофиқ қишлоқ хўжалик ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида барча асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тайёрлаш ва харид қилиш нархлари анча оширилди, қишлоқ хўжалик солигининг миқдори камайтирилди, 1958 йил 1 январдан бошлаб эса колхозчиларнинг, ишчи ва хизматчиларнинг хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш мажбуриятларидан батамом озод қилиндилар. Қишлоқ хўжалигида планлаштиришнинг янги тартиби жорий қилинганлиги ва колхозларга маҳаллий шароитни ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалиги артели уставига ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилганлиги катта роль ўйнади, бу эса мавжуд имкониятлардан яхшироқ фойдаланиш ишида колхозчиларнинг ташаббусига кенг йўл очиб берди.

Қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш соҳасида партия ишлаб чиққан программани амалга оширишда эришилган муваффақиятларни қуйидаги рақамлар яққол кўрсатиб турипти. Мамлакатда кейинги тўрт йил ичида ғалланинг ялпи ҳосили бундан олдинги тўрт йилдагига нисбатан 27 процент кўпайди, Шу давр ичида картошканинг ялпи ҳосили 14 процент, сабзавотларнинг ялпи ҳосили 39 процент, қанд лавлагининг ялпи ҳосили 37 процент, зиғир толасининг ялпи ҳосили 91 процент, пахтанинг ялпи ҳосили 13 процент кўпайди. Чорва молларнинг сони ҳам кўпайди; мамлакатда 1954 йилнинг биринчи январида 55,8 миллион бош қора мол, шу жумладан 25,2 миллион бош сигир, 33,3 миллион бош чўчқа, 99,8 миллион бош қўй бор эди. 1958 йилнинг 1 январида қора молларнинг сони 66,7 миллион бошга, шу жумладан сигирларнинг сони 31,4 миллион бошга, чўчқаларнинг сони 44,3 миллион бошга, қўйларнинг сони 120,1 миллион бошга етди. Чорва моллар сони кўпайганлиги билан бир қаторда чорвачиликнинг маҳсулдорлиги ҳам ошди. Масалан, чорва молларнинг сони кейинги тўрт йил ичида ошганлигини қўшиб ҳисоблаганда, гўшт етиштириш 38 процент, шу жумладан колхозларда ва совхозларда қарийб 80 процент кўпайди, умуман мамлакатда сут етиштириш 50 процент кўпайди, колхозларда ва совхозларда эса икки баравардан зиёдроқ кўпайди. КПСС Марказий Комитетининг 1955 йилдаги январь Пленуми томонидан колхозларда сигирлардан согиб олинадиган сутни кўпайтириш ва сут тайёрлашни кўпайтириш тўғрисида берилган топшириқ олти йил ўрнига уч йил ичида муддатидан олдин бажарилди.

Партия томонидан кўрилган чоралар натижасида қишлоқ хўжалигимиз қолоқликни ва баъзи тармоқларнинг илгари кейинда қолиб келганлигини тугатиб, ҳозирги вақтда кескин равишда юксалиб бормоқда. Шу билан бирликда агар мамлакат экономикасининг ривожланишидаги янги босқичда турган вазифаларга асосланиб иш олиб бориладиган бўлса ва бутун халқ хўжалигини ўстиришнинг жуда катта истиқболлари, социалистик индустрияни янада зўр бериб ривожлантириш манфаатлари, жамиятнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тағин ҳам тўлароқ қондириш зарурлиги назарда тутиладиган бўлса, эришилган бу муваффақиятларни етарли деб бўлмайди.

Дон ва техника экинлари ҳосили етиштиришни кўпайтириш топшириқларини КПСС XX съезди белгилаб берган миқдорда ва чорвачилик маҳсулотини аҳоли жон бошига гўшт, сут ва ёғ етиштириш жиҳатидан яқин йиллар ичида АҚШга етиб олиш вазифасини ҳал қилишни таъминлайдиган миқдорда бажармоқ учун деҳқончилик маданиятини оширишни, қишлоқ хўжалик ишларини механизациялаш даражасини оширишни таъминлаш, фан ва техника муваффақиятларидан яхшироқ фойдаланиш, новаторларнинг тажрибаларини жорий қилиш зарур. Фақат шу асосдагина меҳнат унумдорлигини оширишни, далаларнинг ҳосилдорлигини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини кўпайтиришни, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг таннархини кескин равишда камайтиришни таъминлаш мумкин.

Колхозларимиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайдилар, чунки колхозлар ялпи ва товар маҳсулотнинг жуда кўп қисмини, шу жумладан давлат томонидан тайёрланаётган ғалланинг 70 процентидан кўпроғини, тайёрланаётган гўшт ва сутнинг учдан икки қисмини бермоқдалар. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ўсиши колхозларни янада мустаҳкамлашга, уларнинг ишларини ташкил этишни яхшилашга, уларнинг моддий-техника базасини қучайтиришга боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда машина-трактор станциялари колхоз ишлаб чиқаришини ташкил этишда, айниқса дон хўжалигида катта ўрин тутиб турипти, чунки МТСлар деҳқончиликдаги асосий ишларни бажариб бермоқдалар ва колхозларда бу ишларни механизациялаш даражасини белгилаб бермоқдалар. Аммо кейинги йилларда колхозлар йириклаштирилганлиги, колхозларнинг экономикаси тез ўсганлиги, колхозлар кўп тармоқли, йирик қишлоқ хўжалик корхоналари бўлиб ривожланганлиги колхозларга ишлаб чиқариш — техника хизмати кўрсатишнинг вужудга келган тартибини ўзгартиришни талаб қилмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети колхоз тузумини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадини кўзда тутиб, машина-трактор станцияларини қайта ташкил этишни жуда муҳим халқ хўжалик вазифаси қилиб қўяди.

II.

Колхоз тузумини барпо қилиш ва мустаҳкамлашда МТСларнинг роли

1. Қишлоқ хўжалигида янги, социалистик ишлаб чиқариш усулининг ғалаба қилиши учун колхозлар фақат майда товар деҳқон хўжалигига нисбатангина эмас, шу билан бирга йирик капиталистик деҳқончиликка нисбатан ҳам ўзларининг афзалликларини исбот қилишлари зарур эди. Бу вазифани қишлоқ хўжалигимизни илғор машина техникаси билан қуроллантирмасдан туриб ҳал қилиб бўлмас эди. Йирик жамоат хўжалиги фақат замонавий техника негизидагина деҳқончиликнинг ишлаб чиқариш кучларини чинакам авж олдириб юбориши, жуда кўп миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлашда ва шу тариқа қишлоқ хўжалигининг бошқа ҳар қандай, носоциалистик системасига нисбатан ўзининг ҳаётийлигини ва прогрессивлигини намойиш қилиб кўрсатиши мумкин.

Совет ҳокимиятининг биринчи ўн йили давомида бизнинг деҳқонларимиз ўз хўжаликларини асосан революцияга қадар бўлган меҳнат қуроллари асосида қуриб келдилар. Чунончи, 1928 йилда мамлакат қишлоқ хўжалигида 4 миллион 600 минг сўқа ва омоч, 14 миллион от плуги, 718 минг от сеялкаси, 1 миллион 300 минг отга қўшадиган ўроғ машина ва ҳаммаси бўлиб 27 минг трактор бор эди. Қишлоқ хўжалигида ғалла комбайни ва лавлаги йиғиштириб берадиган комбайнлар, тракторга тиркаб ишлатиладиган зиғирпоя титувчи машиналар ва картошка экиб берадиган машиналар ҳамда бошқа кўпгина замонавий машиналар бутунлай йўқ эди. Тарқоқ, майда деҳқон хўжалигининг табиатига мос бўлган ибтидоий қишлоқ хўжалик техникаси йирик социалистик деҳқончилик учун мустаҳкам база бўла олмас эди.

Совет халқи индустрлаштиришнинг ленинча йўлини қунт билан амалга ошириб, партия раҳбарлигида қудратли социалистик саноат қурди, қишлоқ хўжалик машинасозлигини авж олдира берди ва шу тариқа мамлакатнинг индустриал қудратини мустаҳкамлаш билан бир қаторда қишлоқ хўжалигини техника жиҳатдан қайта қуроллантирмоқ ва унинг асрий қолоқлигини тугатмоқ учун шарт-шароит вужудга келтира борди. Қишлоқ хўжалигини илғор техника билан таъминлаш йилдан-йилга кўпайтирила борганлиги социалистик шаҳарнинг қишлоқ билан ишлаб чиқариш алоқасини кучайтира борди, деҳқонларга жуда катта революционлаштирувчи таъсир ўтказа борди. Миллион-миллион меҳнаткаш деҳқонлар меҳнатни осонлаштирадиган ва унинг унумдорлигини кескин равишда оширадиган мураккаб техникани ўзлаштириш имкониятига эга бўлган йирик социалистик деҳқончиликнинг афзалликларини ўз кўзлари билан яққол кўрдилар. Бу эса 1929 йилнинг охирига бориб, кенг деҳқонлар оммасининг колхозларга киришига жуда катта ёрдам берди.

2. Ҳозирги замон қишлоқ хўжалик машиналарининг сони тез кўпая борганлиги муносабати билан қайта ташкил қилиниб бораётган қишлоқ хўжалиги шароитида шу машиналардан фойдаланиш йўллари масаласи тугилди. Бундай йўллар иккита бўлиши мумкин эди. Биринчиси—мураккаб машиналарни бевосита колхозларга сотиш йўли эди, иккинчиси—бу машиналарни давлат қўлида сақлаб, муайян ҳақ бараварига колхозларга хизмат кўрсатадиган махсус корхоналар вужудга келтириш йўли эди. Тез орада тажриба шуни кўрсатдики, оммавий колхоз қурилишининг дастлабки даври учун биринчи йўл мақбул бўлмади. Ёш, иқтисодий жиҳатдан ҳали кучсиз бўлган колхозларда тракторлар ва бошқа мураккаб машиналар сотиб олиш учун, ёнилғи сотиб олиб ишлатиш, машиналар сақланадиган бинолар ва уларни ремонт қиладиган мастерскойлар қуриш учун етарли маблағ йўқ эди. Колхозларда янги машиналарни бошқара оладиган малакали кадрлар ҳам йўқ эди. Ўша даврда саноат ҳамма колхозларни таъминлаш учун етарли миқдорда машиналар ишлаб чиқарган эмас эди.

Колхоз қурилишининг практикаси кўрсатиб берган иккинчи йўл—колхозларга машина техникаси билан хизмат кўрсатиши лозим бўлган йирик давлат корхоналари барпо қилиш йўли мақсадга энг мувофиқ йўл бўлиб чиқди. Бу корхоналар давлатнинг молиявий ёрдамига ва социалистик индустрияннинг қувватига таяниб, колхозларга ҳам, давлатга ҳам жуда катта манфаат етказдилар. Биринчидан, улар янги қишлоқ хўжалик машиналаридан жуда унумли фойдаланиш учун моддий техника шароитини таъминлаб бердилар. Иккинчидан, улар социалистик давлатнинг колхозларга раҳбар таъсир ўтказишини таъминлайдиган бақувват дастак бўлиб, ишчилар синфининг деҳқонлар билан иттифокини янада мустаҳкамлаш воситаси бўлиб хизмат қила олдилар, Партия ва Ҳукумат социализм манфаатларини кўзда тутиб, давлат корхоналарининг бу алоҳида типини кенг миқёсда барпо қилишни авж олдириб юбордилар, машина-трактор станциялари деб ном олган бу алоҳида типдаги давлат корхоналари ўзлари ишлаб турган йиллар давомида колхоз тузумини барпо қилиш ва мустаҳкамлашда муҳим тарихий роль ўйнадилар.

3. 1927 йилда Одесса областидаги Шевченко номли совхоз ўз теварак атрофидаги қишлоқларнинг деҳқонларига ишлаб чиқариш ёрдами кўрсатмоқ учун 10 трактордан иборат отряд тузди ва шу тариқа МТСлар қуриш бошланиб кетди. 1928 йилда шу отряд негизида мамлакатда биринчи машина-трактор станцияси ташкил қилинди. 1929 йилдан бошлаб оммавий равишда МТСлар қуриш авж олиб кетди.

ВКП(б) Марказий Комитети машина-трактор станциялари қуришнинг биринчи тажрибаларини умумлаштириб, 1930 йилда қабул қилган қарорида шу корхоналарнинг роли ва аҳамиятини белгилаб берди. «МТСлар,—дейилган эди қарорда,—Совет давлати томонидан юксак техника негизида йирик коллектив қишлоқ хўжалиги ташкил қилишнинг формаси эканлиги маълум бўлди ва бу форма оммавий тажрибада синовдан ўтди, колхозчилар оммасининг ўз коллектив хўжаликларини қуришдаги ташаббускорлиги ва фаолияти билан пролетар давлатининг бу ишга бераётган техника ёрдами ва қилаётган раҳбарлиги МТСларда бир-бирига жуда тўлиқ равишда қўшилиб намоён бўлмоқда».

МТСлар сонининг жуда тез кўпайиб кетганлиги МТСларнинг қишлоқ хўжалиги учун жуда катта аҳамияти борлигини кўрсатувчи далилдир. МТСларнинг сони 1932 йилдаёқ 2446 тага етди, 1941 йилда 7 мингдан ошиб кетди, 1957 йилда эса 8 мингга яқинлашиб қолди. Колхозлар ўзлари барпо бўлиб ишга тушган биринчи йиллардаёқ МТСлар ёрдами билан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини анча кенгайтирдилар. Жуда катта вазифани амалга оширишда, мамлакатнинг шарқий районларидаги қўриқ ва бўз ерлардан 36 миллион гектарини ўзлаштиришда машина-трактор станциялари совхозлар билан бир қаторда ҳал қилувчи роль ўйнадилар.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ XVI СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ЛКСМ XVI съезди 1958 йил 3 март эрталаб соат 10 да А. Навоий номли ўзбек давлат опера ва балет театри биносида очилади.

Съезд делегатлари Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида (Куйбишев кўчаси, № 15) 1 ва 2 мартда эрталаб соат 10 дан бошлаб рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

КОЛХОЗ ТУЗУМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МАШИНА-ТРАКТОР СТАНЦИЯЛАРИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети сессиясида ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ қиладиган докладнинг тезислари

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Коммунистик партия, қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш программасини амалга ошира бориб, кейинги йилларда МТСларни янада мустаҳкамлаш ва уларнинг колхозларни ривожлантиришдаги ролини ошириш соҳасида катта тадбирларни амалга оширди. МТСлардаги тракторларнинг сони урушдан олдинги вақтдагига нисбатан қарийб икки баравар кўпайди, МТСлар бажараётган ишларнинг ҳажми эса 2,8 баравар кўпайди. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорига биноан МТСларда доимий малакали механизатор кадрлар вужудга келтирилди. Шаҳарлар ва саноат марказларидан кўп минглаб энг яхши кишилар МТСлардаги раҳбарлик ва инженерлик-техниклик ишларига юборилдилар.

4. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати МТСлар қурилишни кенг равишда ташкил қилиб, тарихда биринчи марта меҳнаткаш деҳқонларга фойдаланиш учун илғор техника бердилар, бу техника меҳнаткаш деҳқонларнинг бирдан-бир тўғри, социалистик тараққиёт йўлига ўтиб олишларига ёрдам берди. МТСлар колхоз тузумини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун, кўп миллионли деҳқонлар оммасини коллективизм руҳида қайта тарбиялаш учун курашда давлат қўлида жуда муҳим восита бўлиш ролини ўйнади.

Колхоз қурилишининг биринчи йилларида МТСлар ҳузурида тузилган сиёсий бўлимлар ёш колхозларга ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамланиб олишлари, қулоқларнинг колхозларга қаратилган найрангларини тилка-пора қилиб ташлашлари учун ёрдам берди. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш учун курашда КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорига биноан район партия комитетларида МТС зоналари бўйича ташкил этилган инструкторлик группалари муҳим роль ўйнади.

Қудратли техникага эга бўлган машина-трактор станцияларининг таъсири остида колхоз қишлоғининг қиёфаси ва қишлоқ турмушининг бутун уклади батамом ўзгарди. Қишлоқда машина трактор парки билан бирга машина-ремонт мастерскойлари, автотранспорт, электр қуввати пайдо бўлди. Саноат типидаги ёрдамчи корхоналар вужудга келди ва кўпайиб ривожланиб бормоқда. МТСда механизаторлар—тракторчилар, комбайнчилар, трактор бригадаларининг бошлиқлари, шофёрлар, ремонт ишчилари ва бошқа ишчилар жуда кўп етишди, улар техникани ва индустриал меҳнат маданиятини эгаллаб олдилар, МТСлардаги доимий ходимларнинг сони 1957 йилда икки миллион кишидан ошиб кетди. МТСларнинг агроном ва зоотехник кадрлари колхозларда деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини ошириш соҳасида катта иш қилдилар. МТСлар ҳузурида ташкил қилинган механизация ўқув юртлари ва мактабларида ҳамда турли курсларда колхоз ишлаб чиқариши учун миллионлаб малакали ходимлар тайёрланди.

Машина-трактор станциялари колхозларга ташкилий-хўжалик ва техника жиҳатидан раҳбарлик қилиб турибгина, колхоз кадрларини ва ҳамма колхозчиларни давлат олдидаги ўз мажбуриятларини биринчи навбатда бажариш руҳида, меҳнатга ва жамоат мулкига социалистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш ишида партияга ёрдамлашиб турдилар. МТСлар қурилиши натижасида қишлоқ хўжалигида жуда зўр техника революцияси амалга оширилди, МТСлар қурилиши қишлоқда маданий революцияни янада авж олдиришга ёрдам берди ва шу билан бир қаторда колхоз тузумини вужудга келтириш ва мустаҳкамлаш йўлида қўйилган ҳал қилувчи қадам бўлди.

Совет Иттифоқи машина-трактор станцияларининг йирик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишдаги тажрибасидан қишлоқ хўжалигини кооперативлаштираётган қардош социалистик мамлакатлар кенг фойдаланмоқдалар. Бир қанча халқ демократияси мамлакатларида ташкил этилган машина-трактор станциялари ёш кооперативларнинг ишларига кўмаклашиб, уларни коллектив меҳнатга ва ижтимоий мулкка асосланган намунали хўжаликларга айлантиришга ёрдам бермоқдалар.

Бизнинг мамлакатимизда машина-трактор станциялари қишлоқни социалистик қайта қуриш учун курашда, ишчилар билан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлаш учун курашда жуда катта роль ўйнади. МТСлар партия ва давлат кўмагида шунинг учун ҳам ривожланиб, ҳамма меҳнаткаш деҳқонларга фойдаланиш учун илғор техника бердилар, бу техника меҳнаткаш деҳқонларнинг бирдан-бир тўғри, социалистик тараққиёт йўлига ўтиб олишларига ёрдам берди. МТСлар колхоз тузумини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун, кўп миллионли деҳқонлар оммасини коллективизм руҳида қайта тарбиялаш учун курашда давлат қўлида жуда муҳим восита бўлиш ролини ўйнади.

Колхоз қурилишининг биринчи йилларида МТСлар ҳузурида тузилган сиёсий бўлимлар ёш колхозларга ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамланиб олишлари, қулоқларнинг колхозларга қаратилган найрангларини тилка-пора қилиб ташлашлари учун ёрдам берди. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш учун курашда КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорига биноан район партия комитетларида МТС зоналари бўйича ташкил этилган инструкторлик группалари муҳим роль ўйнади.

Қудратли техникага эга бўлган машина-трактор станцияларининг таъсири остида колхоз қишлоғининг қиёфаси ва қишлоқ турмушининг бутун уклади батамом ўзгарди. Қишлоқда машина трактор парки билан бирга машина-ремонт мастерскойлари, автотранспорт, электр қуввати пайдо бўлди. Саноат типидаги ёрдамчи корхоналар вужудга келди ва кўпайиб ривожланиб бормоқда. МТСда механизаторлар—тракторчилар, комбайнчилар, трактор бригадаларининг бошлиқлари, шофёрлар, ремонт ишчилари ва бошқа ишчилар жуда кўп етишди, улар техникани ва индустриал меҳнат маданиятини эгаллаб олдилар, МТСлардаги доимий ходимларнинг сони 1957 йилда икки миллион кишидан ошиб кетди. МТСларнинг агроном ва зоотехник кадрлари колхозларда деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини ошириш соҳасида катта иш қилдилар. МТСлар ҳузурида ташкил қилинган механизация ўқув юртлари ва мактабларида ҳамда турли курсларда колхоз ишлаб чиқариши учун миллионлаб малакали ходимлар тайёрланди.

Машина-трактор станциялари колхозларга ташкилий-хўжалик ва техника жиҳатидан раҳбарлик қилиб турибгина, колхоз кадрларини ва ҳамма колхозчиларни давлат олдидаги ўз мажбуриятларини биринчи навбатда бажариш руҳида, меҳнатга ва жамоат мулкига социалистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш ишида партияга ёрдамлашиб турдилар. МТСлар қурилиши натижасида қишлоқ хўжалигида жуда зўр техника революцияси амалга оширилди, МТСлар қурилиши қишлоқда маданий революцияни янада авж олдиришга ёрдам берди ва шу билан бир қаторда колхоз тузумини вужудга келтириш ва мустаҳкамлаш йўлида қўйилган ҳал қилувчи қадам бўлди.

Совет Иттифоқи машина-трактор станцияларининг йирик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишдаги тажрибасидан қишлоқ хўжалигини кооперативлаштираётган қардош социалистик мамлакатлар кенг фойдаланмоқдалар. Бир қанча халқ демократияси мамлакатларида ташкил этилган машина-трактор станциялари ёш кооперативларнинг ишларига кўмаклашиб, уларни коллектив меҳнатга ва ижтимоий мулкка асосланган намунали хўжаликларга айлантиришга ёрдам бермоқдалар.

Бизнинг мамлакатимизда машина-трактор станциялари қишлоқни социалистик қайта қуриш учун курашда, ишчилар билан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлаш учун курашда жуда катта роль ўйнади. МТСлар партия ва давлат кўмагида шунинг учун ҳам ривожланиб, ҳамма меҳнатк

КОЛХОЗ ТУЗУМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МАШИНА-ТРАКТОР СТАНЦИЯЛАРИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети сессиясида ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ қиладиган докладнинг тезислари

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Маълумки, масалан, машина-трактор станциялари колхозлардаги ишларни бажаришга, бу иш учун давлатдан олаётган маблағларига қараганда анча кўп маблағ сарфламоқдалар. Баъзи колхозлар, айниқса иқтисодий жиҳатдан заиф колхозлар МТСлар бажарган ишлар учун ҳисоб-китоб қилганларида, кўпинча, давлатга қарздор бўлиб қоладилар. Лекин ҳеч қачон шу қарз учун хўжаликни ким ошди қилиб сотиш сингари ҳодисалар бўлгани йўқ. Ҳар бир колхоз ҳатто у заиф колхоз бўлса ҳам, бизнинг социалистик хўжалигимиздир. Шу сабабли давлат унга ёрдам бериб туради. Давлат колхозларнинг натура ҳақи тўлашдаги қарзларини узишни ё орқага суриб келди, ёки бутунлай кечиб юборди.

Давлат кўп юз миллион сўмлаб пул сарфлаб колхозларга кадрлар тайёрлаб беради. Бу ҳам колхозларни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирдир. Давлат колхозларга миллиард сўмлаб кредитлар бераётир, лекин бу кредитлар асло савдо-сотиқ асосига қурилган кредитлар эмас. Муайян даврларда, колхозлар заиф бўлиб қолганида, давлат уларнинг гарданидаги юз миллион сўмлаб қарзларни кечиб юборган. Неча-неча марталаб колхозларга қарз тариқасида ўруғликлар, озиқ-овқат ва бошқа нарсалар берилган. Колхозлар бу қарзларнинг бир қисмини қайтариб бердилар, аммо уларнинг анчагина қисми кечиб ҳам юборилди.

Буни колхозчилар яхши биладилар. Улар, ҳар қайси колхознинг бойлиги давлатнинг катта ёрдами билан барпо қилинган, демак, бу бойлик, аслини олганда, бутун халқникидир, деб тўғри айтадилар. Жамоат хўжалигининг ривожланганлиги, колхозлар бойлигининг ўсганлиги, давлат томонидан колхоз тузумига моддий жиҳатдан жуда катта ёрдам берилганлигининг натижаси бўлганлигини совет кишиларининг ҳаммаси эътироф қилмоқдалар. Колхозлардаги машиналарда, уларнинг ишлаб чиқариш биноларида, колхозлардаги деҳқончилик ва чорвачиликнинг ривожланганлигида колхозчи, ишчи, олим сарфлаган меҳнатнинг ҳиссаси бор. Шундай қилиб, колхознинг бойлигини халқнинг ўзи яратган. Ҳозирги шароитда колхозларнинг бўлинмас фондлари, аслини олганда, умумхалқ мулкига яқинлашмоқда, бўлинмас фондларнинг кўпайишига, аввало, колхозчи деҳқонларнинг ўзлари манфаатдордирлар. Бу—уларнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушмоқда. Колхозда бўлинмас фонд қанчалик кўп бўлса, машиналар шунчалик кўп бўлади, меҳнат шунчалик яхши машиналаштирилади, колхозчиларнинг иши шунчалик енгиллашади, меҳнат унумдорлиги шунчалик ошади ва жамоат хўжалиги шунчалик тез ривожлана беради. Колхозчиларнинг замонавий техникани кенг равишда қўлланишга асосланган меҳнати ўз характери жиҳатидан индустриал ишчиларнинг меҳнатига яқинлаша беради.

Совет мамлакатида умумхалқ мулки тўхтовсиз ўсиб боради. Саноат ҳам, совхозлар ҳам ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг ҳажми жуда кенг миқёсда кўпая беради, шу сабабли колхоз мулкининг ҳозирги вақтда кучайиб бораётганлиги, колхозларга техникани сотиш социалистик мулкнинг ҳар иккала формаси ўртасидаги нисбатга бирор муҳим ўзгартиш киритиши мумкин эмас. Колхозларга техникани сотиш халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини тағин ҳам бир-бирига уйғун қилиб, ривожлантирмоқ учун шарт-шароит вужудга келтиради.

Бизнинг олдимизда умумхалқ мулки билан бир қаторда колхоз мулкини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш вазифаси турипти. Бу вазифа халқнинг манфаатларига, коммунизм қурилиши манфаатларига мос бўлиб тушади. Кейинроқ, колхозларнинг ижтимоий бойлиги ўса борган сари, колхоз мулки умумхалқ мулки даражасига кўтарила беради. Биз социалистик қишлоқ хўжалитининг ишлаб чиқарувчи кучларини қанчалик тез ривожлантира борсак, умумхалқ мулки билан колхоз мулки ўртасидаги тафовут, аслини олганда, йўқолиб кетадиган пайт шунчалик тез келади. МТСларнинг техникасини колхозларга сотишни ҳам халқ манфаатлари йўлида колхоз мулкини мустаҳкамлаши лозим бўлган бир тадбир деб билиш керак.

Шу айтилганлардан равшан кўриниб туриптки, колхоз мулкини умумхалқ мулкига қарама-қарши қилиб қўйиш ярамайди, бинобарин, қишлоқ хўжалигидаги социалистик корхоналарнинг ҳар иккала типини ҳам — колхозлар билан совхозларни — бир-бирига қарама-қарши қўйиш ярамайди.

Албатта, совхозлар билан колхозлар ўртасига оддий тенглик аломати қўйиш ярамайди. Совхозлар ишлаб чиқаришни ташкил этишда анча юксак даражага эришган давлат корхоналаридир. Совхозлар колхозлар учун деҳқончиликда йирик социалистик ишлаб чиқаришни бошқаришнинг яхши мактаби бўлдилар. Кейинги йилларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун совхозларда катта имкониятлар бор. Улар қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш вақтида хўжаликни бошқаришнинг асосий формаси бўлдилар. Шу билан бирга совхозлар давлатга анча арзонга тушадиган дон ва бошқа баъзи маҳсулотлар бермоқдалар. Бундан бўён ҳам совхозлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини анча мукаммал ва маданий ташкил қилган хўжаликлар сифатида колхозларга ўрнак бўлишлари лозим. Социалистик қурилиш тажрибаси шуни кўрсатадики, колхозларда ҳам, совхозларда ҳам ишлаб чиқаришни юксалтиришнинг битмас-туганмас резервлари мавжуддир.

Ленинизм таълимотига кўра, коммунизмга яқинлаша борганимиз сари хўжаликни тобора демократик асосларда идора қилишимиз лозим. Колхозлар ҳам, совхозлар ҳам хўжаликни идора қилишнинг мана шу социалистик принципига мос бўлиб тушаётир. Совхозларда ишчи коллективларининг, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларининг ролини ошириш йўли билан хўжаликни бошқаришда ҳар бир ишчининг активлигини тағин ҳам юқори кўтариш мумкин.

Колхоз формаси ҳам мана шу социалистик принципга мувофиқдир. Колхозда колхозчилар томонидан сайланиб қўйилган ва улар олдида ҳисоб берадиган правление бор, энг муҳим масалаларнинг ҳаммасини колхоз аъзоларининг умумий йиғилиши ҳал қилади. Социалистик хўжаликни янада юксалтириш манфаатларини кўзлаб, колхозлар ва совхозларни мустаҳкамлай бориш ва ривожлантира бориш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва саноат учун хом ашёни мўл-кўл етиштиришга тезроқ эришиш мақсадида, коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш мақсадида хўжаликнинг ҳар иккала формасидаги имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш зарур.

IV.

Колхозларга техникани сотиш шартлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашнинг баъзи бир масалалари тўғрисида

1. Тракторларни, комбайнларни ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини колхозларга сотиш тартибини ва шартларини ишлаб чиқиш машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилишнинг муҳим масалаларидан биридир. Бу ишга фақат оддий иш деб қарам: инвентаризация ўтказишдан, нархларни белгилашдан, колхозларнинг заявкаларини қабул қилиб олишдан иборат бўлган оддий иш деб қараш ярамайди. Колхозларга техникани сотиш катта хўжалик-сиёсий аҳамиятга эга бўлган масаладир. Бу масалани ҳал қилишнинг миллион-миллион колхозчиларнинг манфаатларига, шунингдек давлат манфаатларига ҳам дахли бор.

Баъзилар, марказий органлар техникани сотиш тартибини ишлаб чиқиши, бу ишни ўтказиш учун ҳар бир зонага муддат белгилаб беришлари, бу ишни тез бошлаб, тез тамомлашлари лозим, деб ҳисоблайдилар. Бундай таклиф асло тўғри бўлмаса керак. Агар марказий органлар ҳатто ҳамма районлар учун план тузиб беришга уриниб кўрганларида ҳам, шу тариқа тузилган планда жиддий камчиликлар бўлиши мумкин, чунки айрим районлар ва колхозларнинг ҳамма хусусиятларини марказдан туриб чинакам ҳисобга олиш қийин. Шу сабабли ҳар бир область партия комитети ва область ижроия қомитети, ҳар бир ўлка партия комитети ва ўлка ижроия комитети умумий принципларга асосланиб туриб, ўз области, ўлкаси учун тракторларни ва бошқа машиналарни колхозларга сотишни ташкил этишнинг конкрет тадбирларини ишлаб чиқса, бу тадбирларни ишлаб чиқаётган вақтда улар ўз зоналари учун муҳим аҳамияти бўлган хусусиятларни ҳисобга олсалар, тўғри иш қилиган бўлур эди. Бу планлар Компартиялар Марказий Комитетида ва иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларида кўриб чиқилиши лозим.

МТСларни қайта ташкил қилиш ишини бирданига ўтказиш керакми, ёки босқичма-босқич ўтказиш керакми, деган савол туғилади. МТСларни қайта ташкил қилиш соҳасида мўлжалланган иш жуда катта ва масъулиятли ишдир, шу сабабли бу ишда шошма-шошарлик қилиш зарар етказиши мумкин, ҳолос. Бу масалада эҳтиётлик билан иш қилиш, мамлакатнинг ҳар қайси районидаги хусусиятларни ҳисобга олиб иш қилиш керак. Дастлабки қилинган ҳисоблар шуни кўрсатадики, кўпчилик колхозлар, айниқса Ўрта Осиё ва Закавказье республикаларидаги, Украинадаги, Кубандаги ва бир қанча бошқа районлар даги кўпчилик колхозлар МТСлардаги техникани дарҳол сотиб олишлари мумкин. Айрим районларда эса, айниқса ғарби шимолий ва Марказий районларда бундай колхозлар камроқ бўлади. Шу сабабли баъзи зоналарда МТСлар хизмат кўрсатаётган ҳамма колхозларнинг экономикаси юксалиб борган сари уларга техникани аста-секин сотиш мумкин бўлиши учун МТСларни муайян вақтгача сақлаб туриш мақсадга мувофиқ бўлса керак.

Бу масалани шошма-шошарлик билан ҳал қилишни, ҳамма МТСларни бир йўла қайта ташкил қилишга интилишни оқилона иш деб ҳисоблаб бўлмайди. Шу факт билан ҳисоблашмаслик ҳам мумкин эмаски, баъзи колхозлар техникани сотиб олишга, энг муҳими эса бу техникадан фойдаланишга ҳали қодир эмаслар.

МТСлар сақлаб қолинган жойларда ҳам айрим колхозлар техникани сотиб ола беришлари мумкин бўлса керак. Шу муносабат билан МТСларнинг структураси бирмунча ўзгаради, МТСларнинг штатлари ҳам камаяди. Иқтисодий жиҳатдан заиф колхозлари бўлган районларда МТСларни қайта ташкил қилиш ва техникани колхозларга сотиш учун қандай муддат талаб қилинади? Эҳтимол 2-3 йил, баъзи жойларда эса бундан ҳам кўпроқ муддат талаб қилиниши мумкин. Бу ишда шошма-шошарлик қилмаслик керак.

Колхоз ишлаб чиқаришининг ўсиши ва у ишлаб чиқараётган товар маҳсулотининг кўпайиши муносабати билан колхозларнинг бўлинмас фондларига ажратилган маблағлар 1958 йилда, тахминий ҳисобларга қараганда, қарийб 25 миллиард сўмни ташкил этади. Машиналарнинг бир мунча эскирганлигини ҳисобга олган ҳолда колхозларга сотиладиган машиналарнинг бутун қиммати тахминан 18-20 миллиард сўмни ташкил қилади. Машиналар қимматини бўлиб тўлаш учун тегишли муддат белгиланганида техникани сотиб олиш учун шунча миқдорда харажат қилиниши колхоз ишлаб чиқаришининг ҳозирги даражасида ҳам бемалол мумкин бўладиган ишдир, колхозларнинг даромадлари янада ўсиши муносабати билан эса колхозлар бу харажатларни қилишга янада кўпроқ қодир бўлиб қоладилар.

МТСларда янги машиналар билан бир қаторда бир талай эски машиналар, анча ишлатилган машиналар ҳам борлигини назарда тутиб, колхозларга машиналарни сотиш вақтида бу машиналарнинг техника ҳолатини ҳисобга олиш зарур. Бу машиналарнинг қанчалик ишлатилиб эскирганлигини ҳисобга олиб, уларнинг нархлари камайтирилиши лозим. Район ижроия комитетларида машиналарга тўғри нарх қўйиш учун масъул бўлган баҳоловчи эътиборли комиссиялар тузиш мақсадга мувофиқ бўлса керак. Техника колхозларга сотилиб бўлгандан кейин ремонт-техника станцияларининг бутун фаолиятини хўжалик ҳисоби асосида ташкил қилиш зарур.

Тракторлар ва бошқа машиналарни сотиб олишга ва улардан рационал фойдаланишга қодир бўлган колхозларга, нархлар узил-кесил белгиланишини кутиб турмасдан, ҳозирнинг ўзидаёқ уларга тракторлар ва бошқа машиналарни сота бериш мумкин бўлса керак. Машиналарнинг нархлари аниқланганидан кейин колхозлар тегишли ҳисоб-китоб қиладилар.

1958 йилдан бошлаб янги тракторларни ва қишлоқ хўжалик машиналарини колхозларга, асосан, нақд пулга ёки, колхознинг иқтисодий ҳолатига қараб, турли муддатлар билан кредитга сотиш зарур. Колхозларга сотиладиган янги қишлоқ хўжалик машиналарига нархлар белгилаш вақтида бу нархларни машиналар таннархидан бир мунча ошириқ қилиб белгилаш керак. Саноатни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида унинг жамғармалар ҳосил қилиши учун шундай қилиш зарур, чунки социалистик индустрия бутун халқ хўжалиги асосларининг асосидир.

2. Колхозларни материал-техника билан таъминлаш масалалари янги шароитда алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолади. Қишлоқ хўжалиги машиналар, ёнилғи, запас қисмлар, металл ва бошқа хилма-хил товарлардан иборат турли моддий бойликларни кўп миқдорда истеъмол қилади.

Ҳозирги вақтда қишлоқ районларида колхозларни машиналар, ёнилғи, запас қисмлар ва материаллар билан таъминлаш ишлари билан бир вақтнинг ўзида турли бошқармаларнинг: Қишлоқ хўжалик министрлигининг, Матлубот кооперациясининг, Глававтотракторосбит ва Нефтесбитнинг таъминот ва савдо ташкилотлари шуғулланмоқда. Колхозларни машиналар ва ишлаб чиқариш товарлари билан таъминлашнинг мавжуд тартибини ўзгартириб, бу ишни колхозларга яқинлаштириш ва бир жойга тўплаш керак. Ремонт-техника станциялари, афтидан, шундай жой бўлиб қолишлари лозим.

Ишни шундай ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўладики, колхоз ўзига керакли маркадаги тракторни, автомашинани, запас қисмларни, ёнилғини, мойлаш материалларини, металлни, ўғитларни, заҳарли химикатларни ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун зарур бўлган бошқа товарларни ремонт-техника станциясига заказ қила оладиган ва ундан сотиб оладиган бўлсин. Баъзи ремонт-техника станцияларида янги маркали машиналарни ишлатиб кўрсатиш учун уларнинг намуналари бўлиши зарур; қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий қилинаётган янги машиналар тўғрисида катологлар, бюллетеньлар, справочниклар, плакатлар ва варақалар ўз вақтида ва етарли миқдорда нашр қилиб турилиши керак.

Колхозларни ва совхозларни запас қисмлар билан таъминлаш системасини пухта ўйлаб чиқиш керак. Бу ишда катта масъулият Халқ хўжалиги кенгашлари устига, саноатимиз устига тушади. Улар колхозларни ва совхозларни янги запас қисмлар ва ускуналар билан ҳам, реставрация қилинган запас қисмлар ва ускуналар билан ҳам тўла таъминлашлари лозим. Реставрация қилинган деталлар юқори сифатли бўлиши учун уларни реставрация қилишни марказлаштириш керак.

3. Қишлоқ хўжалигини машиналар билан таъминлашнинг янги тартиби қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаришни яхшироқ ташкил қилишга ёрдам беради. Ҳозирги вақтда баъзи хўжалик ходимлари машинани ишлаб чиқарабериш учун интилиб, бу машинанинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тараққиётининг ҳозирги даражасига қанчалик жавоб бериши, бу машина колхозлар ва давлат учун иқтисодий жиҳатдан қанчалик манфаатли бўлиши тўғрисида кам бош қотирадилар. Шундай бир мисолни олиб кўрайлик. Колхозлар 1955 йилда галла ўрим-йиғимини алоҳида-алоҳида ўтказишни кенг миқёсда қўллаганбошладилар, ана шунда ўзиюрар комбайнларнинг тиркама комбайнларга нисбатан катта афзалликлари борлиги дарҳол равшан бўлиб қолди. Ўша вақтдаёқ яхши ўзиюрар комбайннинг янги конструкцияси ишлаб чиқилди. Тиркама комбайнда беш киши ишлайди, аммо бу янги комбайнни бир киши идора қилаолади, бу янги комбайн ёнилғини 30 процент кам сарфлайди, тиркама комбайнга қараганда у 40 процент енгил. Ўзиюрар комбайннинг бу афзалликлари очиқ кўриниб турганлигига қарамай, Ростов заводи 1957 йилда иш унуми кам бўлган жуда катта тиркама комбайнлар ишлаб чиқарабошлади. Давлат бу комбайнни ўзлаштиришга катта маблағ сарфлади. Аммо энди, орадан атиги бир йил ўтгач, уни ишлаб чиқаришни тўхтатиб давлатга ва колхозларга манфаатли бўлган ўзиюрар комбайнни ишлаб чиқаришга киришиш керак бўлиб қолди. Кўп заводлар чала ишланган машиналарни чиқармоқдалар, бу машиналар қишлоқ хўжалигида яхши фойдаланилмаётир, баъзан йиллаб бекор ётиб қолади, сўнгра эса темир-терсак қаторида тошириб юборилади. Янги шароитда бундай заводлар қийин аҳволга тушиб қолишлари мумкин, уларнинг маҳсулотларини колхозлар сотиб олмайди, ана ўшанда заводлар қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқаришни яхшилашга муқаррар мажбур бўладилар.

Машиналарни чиқараётган вақтда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг конкрет эҳтиёжларини ҳисобга олиш керак. Колхоз учун муҳим нарса шуки, у сони камроқ машиналар сотиб олиб, бу машиналар билан мумкин қадар кўп хил ишларни бажараоладиган бўлиши, бу ишларни бажараётганда колхозчиларнинг меҳнати камроқ сарфланадиган бўлиши керак. Бунда гап тракторга керакли миқдорда осма машиналар бериш ва бу машиналарни тракторчининг ўзи, прицепчи ёрдамисиз бошқараоладиган бўлиши, зоналарнинг турли тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олиб, машиналар чиқариш зарурлиги устида бораётир.

4. Машина-трактор станцияларининг техникасини колхозларга сотиш ва МТСларнинг колхозлар билан ўзаро муносабатларида хўжалик ҳисобини жорий қилиш колхоз молия хўжалигини ташкил этишга муҳим ўзгаришлар киритади. Колхозларда ўз оборот маблағларини жиддий равишда кенгайтириш зарурияти туғилади. Колхозларга ўз оборот маблағлари нефть маҳсулотларининг, запас қисмларнинг ва бошқа материалларнинг доимий минимал запасларини жамғариб қўйиш учун, шунингдек келгуси йил ҳосилини таъминлайдиган қишлоқ хўжалик ишларини бажариш учун зарурдир. Янги шароитда колхозларнинг ишлаб чиқариш харажатларига банк томонидан бериладиган кредитни кенгайтириш зарур бўлиб қолса керак.

5. Машина-трактор станциялари қайта ташкил қилиниши муносабати билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашнинг баъзи масалаларини кўриб чиқиш керак. Тайёрлашнинг ҳозирги мавжуд системасида давлатнинг колхозлар билан ўзаро муносабатида муайян формалар вужудга келган. Давлат колхозларга МТСлар орқали хизмат кўрсатиб, тракторлар ва бошқа машиналар билан колхоз ерини ишлаб бермоқда, колхозни ёнилғи ва ўғитлар билан, хуллас, жамоат ишлаб чиқариши учун колхозга керак бўлган ҳамма нарсалар билан таъминламоқда.

Ўз навбатида колхозлар совхозлар билан бирликда мамлакатнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминламоқдалар. Бу системада қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг анча қисми МТСлар бажарган ишлар учун тўланган натура ҳақи тариқасида машина-трактор станциялари орқали олинмоқда. Масалан, шуни айтиб ўтиш кифоя қиладики, ҳар йил колхозлар натура ҳақи тўлаш тартибида галланинг ўзидангина қарийб бир миллиард пуд топширмоқдалар.

Шу вақтгача МТСлар бажарган иш учун тўланадиган натура ҳақи тариқасида колхозлардан олинаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотини эндиликда давлат машиналар, запас қисмлар, ёнилғи, ўғит ва шу кабилар эвазига бевосита колхозларнинг ўзидан оладиган бўлади. Бу системада мамлакат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кам миқдорда эмас, балки кўпроқ миқдорда, лекин бошқа асосда, анча пишиқроқ бўлган бошқача ҳисоб-китоб системаси воситаси билан олиши керак.

Шу нарса шак-шубҳасиздирки, янги шароитда маҳсулот тайёрлаш ишлари оқилона ташкил қилинса, у ҳолда давлат зарур миқдордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўз вақтида олиб туриши мумкин.

Маҳсулот тайёрлаш давлат планини белгилаётган вақтда дон ва бошқа маҳсулотларнинг давлатга тушадиган ҳамма турларидан ҳосил бўлган миқдор, яъни маҳсулотларни етказиб бериш мажбуриятлари, давлатнинг харид қилиши, контрактация йўли билан ҳамда машина-трактор станцияларининг бажарган ишлари учун тўланадиган натура ҳақи йўли билан тушадиган галла ва бошқа маҳсулотларнинг жами асос қилиб олиниши керак. Мана шу миқдор давлат тайёрлаш планини белгилаш учун асос бўлиши лозим.

Турли зоналарда тайёрланадиган маҳсулотларнинг ҳажми белгиланаётган вақтда кейинги йилда тушган маҳсулотнинг миқдорини олиб, шу миқдорни кейинги йил учун ҳам ўзгартирмай кўчириб бериш керак эмас. Қишлоқ хўжалигида у йил билан бу йил бир хилда бўлмайди. Шу сабабли мамлакатдаги турли зоналарнинг хусусиятларини анча объективроқ ҳисобга олмоқ учун икки-уч йил ичида тайёрланган маҳсулотларни ҳисоблаб чиқиб, ўртача рақамни чиқариш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш давлат планини белгилаётган вақтда мамлакатнинг турли зоналарида ва районларида ўша йилнинг об-ҳаво шароити ҳисобга олиниши зарур. Бу эса айрим районларда ўша йилнинг ноқулай шароитини ва бошқа районларда ўша йилнинг энг қулай шароитини эътиборга олиб, ҳар йил план топшириқларига тегишли тузатишлар киритиб туришга имконият беради. Бироқ, шундай қоидага мутлақо риоя қилиш керакки, тайёрланадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг умумий ҳажми давлатнинг бутун эҳтиёжини қондирадиган бўлсин.

Тайёрланадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажми ишлаб чиқариш даражасига боғлиқдир. Машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш дон ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш учун шароит туғдиради. Колхозларга ишлаб чиқариш-техника хизмати кўрсатишнинг янги системасида техникадан анча рационалроқ фойдаланадиган бўлади, меҳнат унумдорлиги ошади, маҳсулотлар етиштириш кўпаяди. Бу эса қишлоқ хўжалик маҳсулотининг таннархини камайтиришга олиб келиши лозим. Натижада давлат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва саноат молларининг нархларини камайтирмоқ ва шу тариқа халқ фаровонлигини оширмоқ учун реал имкониятга эга бўлиб қолади.

6. Машина-трактор станциялари қайта ташкил қилинганидан кейин қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ишлари қандай шаклда олиб борилиши масаласини синчиклаб ўрганиб чиқиш ва шу тариқа партия Марказий Комитети ва ҳукумат тегишли қарор қабул қилиши учун конкрет таклифлар ишлаб чиқиш керак. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва харид қилиш нархлари тўғрисида ҳам шу гапларни айтиш мумкин.

7. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўпаяборган сари уларни тайёрлаш характери ҳам ўзгараберади. Мамлакатнинг бир қанча маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи ҳали ҳам тўла равишда қондирилмаётган ҳозирги вақтда давлат ҳарқайси район учун маҳсулот тайёрлаш планларини белгилашга мажбур бўлмоқда. Лекин бу вақтинча бир ҳолдир. Колхозларнинг тез юксалиши, улар экономикасининг тез ривожланиши учун ҳозир бизда шарт-шароит вужудга келтирилди. Бинобарин, мамлакатда етиштирилаётган маҳсулотларнинг миқдори ҳам йилдан-йилга кўпаяберади. Мамлакатнинг барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари тўла равишда таъминланадиган ва етарли резервлар тўла равишда вужудга келтириладиган вақт яқинлашиб қолди. Дон, ғўшт ва бошқа маҳсулотларнинг таннархи арзонроқ бўлган районларда давлат шу маҳсулотларни ўша районларда сотиб олиш имкониятига эга бўлиб қолади. Ана ўшанда ишлаб чиқаришни тағин ҳам кенгроқ ихтисослаштирмоқ учун шарт-шароит вужудга келади. Ихтисослаштириш эса, маълумки, ишлаб чиқаришни юксак даражада машиналаштирган асосда олиб боришга, меҳнат унумдорлигини ошираборишга ва маҳсулотнинг ҳар бир центнерини етиштирмоқ учун сарф бўладиган ишлаб чиқариш чиқимларини камайтиришга имкон беради. Маҳсулотлар кўп бўлганидан кейин улар арзон ҳам бўлади, демак, халқ яхшироқ яшайдиган бўлиб қолади, демак, халқ коммунистик жамият бераётган ноз-неъматлардан тўлиқроқ фойдаланадиган бўлиб қолади.

V.

МТСлар қайта ташкил қилиниши муносабати билан партия ва совет органларининг вазифалари

1. МТСларни қайта ташкил қилишга ва техникани колхозларга сотишга доир зарур тадбирларнинг ҳаммасини тайёрлаш ва амалда рўёбга чиқариш учун область партия комитетлари, область ижроия комитетлари, автоном республикаларнинг министрлар советлари, ўлка партия комитетлари ва ўлка ижроия комитетлари, иттифоқчи республикаларнинг компартия Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари зиммасига алоҳида масъулият тушади. Улар аввало ҳар қайси районда қайси колхозлар ўзларининг иқтисодий имкониятлари жиҳатидан шу йилнинг ўзидаёқ тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарини сотиб олишга ҳамда шу машиналардан тежаб-тергаб фойдаланишга қодир эканликларини, қайси колхозларга техникани сотиб олмоқ учун кўпроқ муддат керак бўлишини ва қайси колхозлар учун МТСлар томонидан кўрсатилаётган ишлаб чиқариш-техника хизматининг мавжуд тартибини вақтинча сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ эканлигини чуқур ўрганиб чиқишлари лозим. Айрим районлар ва колхозлардаги аҳволни мана шундай ҳар томонлама ўрганиб чиқишгина колхозларни янги шароитда ишлашга муваффақиятли ўтказишга имкон беради.

МТСлар қайта ташкил қилинганидан кейин, табиийдирки, партия ва совет ташкилотларининг асосий эътибори ўз тракторлари ва қишлоқ хўжалик машиналари бўлган колхозларга бевосита раҳбарлик қилишга, ўз хўжаликларга ишни янгича ташкил қилишда амалий ёрдам кўрсатишга қаратилади. Лекин шу билан бирликда бизда ҳали ҳам иқтисодий жиҳатдан заиф колхозлар борлигини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Бу колхозларни илгор колхозлар даражасига тезроқ етказиб олиш учун маҳаллий партия ва совет органлари шу колхозлар билан илгари вақтдагига қараганда янада кўпроқ, янада конкретроқ шуғулланишлари лозим. Яна шуни ҳам назарда тутиш керакки, машина трактор станциялари қайта ташкил қилиниб, ремонт-техника станцияларига айлантирилганидан кейин колхозларга ишлаб чиқариш ва техника хизмати кўрсатишдан иборат бўлган муҳим вазифа ремонт-техника станцияларининг зиммасида қолади.

Район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари ремонт-техника станцияларининг ишларини кун сайин ва чуқур ўрганиб боришлари, уларнинг ишлари устидан контроллик қилиб туришлари, колхозларни машиналар, запас қисмлар, ёнилғи ва бошқа материаллар билан узлуксиз таъминлаб туришни ташкил қилишлари лозим. Вазифа шуки, район партия комитетларидаги МТС зоналари бўйича ишлайдиган инструкторлик группаларни тугатилгандан кейин ва МТСлар қайта ташкил қилингандан кейин партия ва совет органлари томонидан колхозларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришнинг ҳал қилувчи участкаларига тағин ҳам кўпроқ яқинлаштирилиши лозим.

Партия ташкилотлари машина-трактор станцияларининг ишларини қайта қуриш соҳасида ўтказилмоқчи бўлган тадбирларнинг моҳиятини ва аҳамиятини кенг тушинтириб беришлари, КПСС Марказий Комитетининг тақлифларини умумхалқ томонидан муҳокама қилинишини ташкил этишлари, қишлоқ меҳнаткашларининг кучайиб бораётган сиёсий ва ишлаб чиқариш ғайратини қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, янги муваффақиятларни таъминлашга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш соҳасида 1958 йилги давлат планининг ҳеч сўзсиз бажарилишини таъминлашга йўллашлари лозим.

2. МТСларни қайта ташкил қилиш партия ва совет органларининг зиммасига, машина-трактор станцияларининг мутахассислари ва механизаторларидан тўғри фойдаланишга алоҳида аҳамият қилиш вазифасини юклайди.

Ҳозирги вақтда машина-трактор станцияларида 186 минг раҳбар ва инженер-техник ходим ҳамда бир ярим миллион кишига яқин механизатор бор. МТСларни қайта ташкил қилиш вақтида бу ходимларнинг кўпчилиги аста-секин колхозларга ўтади. Тракторчилар, комбайнчилар ва бошқа ходимларнинг МТСлардан колхозларга ўтиши колхозларнинг техника кадрларини кучайтиради, колхоз ишлаб чиқаришига техника жиҳатидан қилинаётган раҳбарликни тағин ҳам юқори босқичга кўтаради. Партия ташкилотлари МТСлардан бўшаб қолаётган мутахассислар ва механизаторларнинг малакасини ҳисобга олган ҳолда улардан колхоз ишлаб чиқаришининг ҳал қилувчи участкаларида фойдаланиш чораларини кўришлари лозим. Раҳбар кадрлар билан биринчи навбатда қолоқ колхозларни мустаҳкамлаш зарур.

Машина-трактор станцияларида тарбияланган механизатор кадрларни сақлаб қолишга катта эътибор бериш керак. Колхозларнинг правлениелари, партия ташкилотлари техника колхозларга сотилиши муносабати билан колхозларга ўтадиган тракторчиларга ва бошқа ходимларга жонкуярлик ва ғамхўрлик қилишлари лозим. Механизаторларнинг моддий таъминоти тегишли даражада бўлиши учун зарур чоралар кўриш керак. Шуни унутмаслик керакки, бизда меҳнат кунига етарлик ҳақ тўланмаётган колхозлар ҳали ҳам бор. Бундай колхозларда тракторчиларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ уларнинг МТСларда гарантияланган минимум бўйича олиб келган ҳақига қараганда пастроқ бўлиб қолиши мумкин. Текисчиликка йўл қўймаслик ва механизатор кадрларни қўлдан бериб қўймаслик учун, мустасно тариқасида, бундай колхозларга тракторчилар ва бошқа механизаторлар учун гарантияланган минимум билан ҳақ тўлаш тартибини ўрнатишни тавсия қилиш керак, токи бу минимум машина-трактор станцияларида тракторчилар олиб келган минимумдан паст бўлмасин.

Янги шароитда колхозлардаги ишнинг ҳажми анча кенгаяди. Колхоз раиси илгари МТС директори бажариб келган кўп вазифаларни ўз зиммасига олади. Колхоз раҳбар кадрларининг роли тағин ҳам кўпроқ ортади. Ҳар бир колхоз бошида замонавий қишлоқ хўжалик техникасини ва колхоз ишлаб чиқариш экономикасини яхши биладиган, ишлаб чиқаришнинг кундалик ишларинигина эмас, шу билан бирга уни ривожлантириш истиқболи масалаларини ҳам синчиклаб текшира оладиган ва яхши тайёргарлиги бўлган ходим туриши керак.

Колхоз раислари ишнинг кўпчилиги кўпайиб бораётган иш ҳажмини яхши уддалай оладиган даражада тайёргарликка эгадирлар. Лекин бизда ҳали ҳам шундай раислар борки, улар янги шароитда хўжаликка раҳбарлик қилишда қийналиб қоладилар. Бундай колхозларга, жумладан, МТС директорлари ва мутахассислари орасидан яхши тайёргарлиги бўлган ва тажрибали ходимларни тавсия қилиш керак. Колхоз бригадирларининг роли ҳам анча ошади. Шу сабабли зарур бўлган ҳолларда бригадирларнинг состави тажрибали ташкилотчилар ва мутахассислар билан тўлдирилиши лозим.

3. Коммунистик партия КПСС XX съезднинг район звеносини тайёргарлиги бўлган кадрлар билан мустаҳкамлаш тўғрисидаги қарорларини бажариш соҳасида катта ишлар қилди. Ҳозирги вақтда район партия комитетларидаги ва район ижроия комитетларидаги раҳбарлик вазифаларининг кўпчилигида ташкилотчилик ишида жиддий тажриба орттирган, партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини юксалтириш тўғрисидаги қарорларини жанговарлик билан амалга оширишда ўзининг моҳирлигини амалда исбот қилган тажрибали ходимлар ишлаб турибди. Район партия ва совет органларидаги ходимларнинг умумий маълумот даражаси анча ошди. Район партия комитетлари секретарларининг 85 процентидан кўпроғи ва қишлоқ районларидаги район ижроия комитетлари раислларининг 76 проценти олий ва ўртадан юқори маълумотга эга бўлган кишилардир.

(ОХИРИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА).

КОЛХОЗ ТУЗУМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МАШИНА-ТРАКТОР СТАНЦИЯЛАРИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети сессиясида ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ қиладиган докладнинг тезислари

(БОШИ БИР, ИККИ ВА УЧИНЧИ БЕТЛАРДА).

Район звеносини мустаҳкамлаш бундан буён ҳам область, ўлка ва иттифоқчи республикалар партия ва совет органларининг диққат марказида туриши лозим. Колхозларда, совхозларда ва МТСларда ишлаб амалий фаолиятда ўзини кўрсатган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини яхши биладиган, омма билан ишлашни севадиган ёш, қобилиятли ташкилотчиларни ғамхўрлик билан ўстириш ва уларни районлардаги раҳбар партия ва совет ишларига дадиллик билан кўтариш зарур.

Ҳозирги вақтда район ижроия комитетларини малакали кадрлар билан янада мустаҳкамлаш катта аҳамиятга эгадир. Илгари колхозларнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлган масалаларнинг кўплари МТСларда ҳал қилиниб келган бўлса, эндиликда бу масалалар билан район ижроия комитетлари бевосита шуғулланишлари лозим. Район совет органларининг структурасини такомиллаштириш ишларини давом эттириш зарур. Машина-трактор станцияларининг колхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришда муайян роль ўйнаган советлари тугатилиши муносабати билан район ижроия комитетлари ҳузурида ишлаб чиқариш-техника кенгашлари тузиш ёки колхозларнинг, МТСларнинг, ремонт-техника станцияларининг, совхозларнинг раҳбар ходимларидан, мутахассислар ва ишлаб чиқариш новаторларидан, қишлоқ хўжалик масалалари билан шуғулланадиган бошқа органлар тузиш зарурияти туғилади. Умумхалқ муҳокамаси вақтида бу масалани ҳал қилишнинг мукаммалроқ ташкилий формасини топмоқ учун район совет органларининг структураси билан боғлиқ бўлган масалалар устида фикр олишиш мақсадга мувофиқдир.

4. Колхоз бошланғич партия ташкилотлари кейинги йилларда анча ўсди ва мустаҳкамланди, улар МТСларнинг ишларини қайта қуришга ва колхозларни янада ривожлантиришга доир ҳамма тадбирларни амалга оширишда партиянинг мустаҳкам таянчитирлар. Колхозлардаги коммунистларнинг сони 1954 йилдан то 1958 йилга қадар 230 минг кишидан зиёдроқ кўпайди. Жуда кўп механизаторлар ва мутахассислар МТСлардан колхозларга ўтишлари билан колхоз партия ташкилотлари тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланади ва колхозлар турмушининг ҳамма жиҳатига уларнинг ўтказаётган таъсири янада кучаяди.

Колхозлардаги ишларнинг аҳволи учун, колхозларнинг экономикасини янада ривожлантириш учун, колхозларнинг давлат олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажаришлари учун барча коммунистлар зиммасидаги масъулиятни ошириш керак. Партиявий-сиёсий ишлар колхозларга берилаётган техникадан тўғри фойдаланишга, барча қишлоқ хўжалик ишларининг сифатини оширишга, илғорларнинг тажрибаларини, фан ва техника муваффақиятларини жорий қилишга, мусобақани авж олдиришга, меҳнат унумдорлигини кўпайтиришга ҳамда ернинг ҳар гектаридан кам меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда энг кўп маҳсулот олишга қаратилиши лозим. Барча колхозчиларни онгли интизом руҳида, техникадан тежабтергаб фойдаланиш руҳида, ўз колхозининг тақдири учун, жамоат хўжалигини юксалтириш учун юксак масъулият руҳида кун сайин тарбиялаб бориш зарур. Колхоз демократиясини изчиллик билан ўтказиш, колхозчиларни ўз колхозининг ишларини бошқаришга тағин ҳам кенгроқ тортиш керак.

Сиёсий ишларни фақат йиғилишлар, лекциялар, докладлар ўтказиш билан чеклаб қўймай, айрим кишилар билан ҳам, колхозчиларнинг айрим группалари билан — механизаторлар, дала мудирлари, сут соғувчилар, чўчқа боқувчилар билан, уларнинг талабларини ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда олиб бориш керак. Сиёсий ишларни ўтказишда партия ва совет активлари шахсан ўрнак кўрсатиб туришлари лозим.

Партия ташкилотлари колхозчиларнинг анча қисмини ташкил қилган ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор беришлари лозим. Партия ташкилотлари комсомолларни ва ёшларни колхозларнинг хўжалик фаолиятига актив қатнаштиришлари, комсомол ташкилотларининг ташаббусини, йигитлар ва қизларнинг қиммати ташаббусларини бутун чоралар билан ривожлантиришлари ва қўллаб-қувватлашлари, ёшларнинг маданий талабларини қондириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари керак. Ўрта мактабни тамомлаган ёшлардан колхозларга керакли мутахассислар, айниқса механизмларда ишлайдиган мутахассислар тайёрламоқ учун махсус курслар очиш керак.

Қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш ишида кейинги йилларда эришилган катта муваффақиятлар шунинг натижаси бўлдики, коммунистик партия тўғри сиёсат ишлаб чиқиб, омма орасида жуда катта ташкилотчилик ва сиёсий ишни ҳормай-толмай олиб бормоқда. МТСлар қайта ташкил қилиниши муносабати билан туғиладиган янги вазифалар партия ташкилотларидан, барча коммунистлардан омма орасида олиб бориладиган ташкилотчилик ишларини ва сиёсий ишларни тинмай такомиллаштириб ва яхшилаб боришларини талаб қилади.

☆ ☆ ☆

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX съезди мамлакатимизда коммунизм қурилишининг кенгайтирилган программасини белгилаб бериб, аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан энг тараққий қилган капиталистик мамлакатларга тарихан қисқа муддат ичида етиб олиш ва улардан ўзиб кетишдан иборат СССРнинг асосий иқтисодий вазифасини тинч мусобақа йўли билан ҳал қилиш учун қунт билан кураш олиб бориш зарурлигини уқтириб ўтди.

Коммунистик партия давлат ҳокимиятининг олий органи — СССР Олий Советига сайловга борар экан, ўз фаолияти ҳақида, коммунистик қурилиш планларининг бажарилаётганлиги ҳақида бутун халқ олдида ҳисоб беради. Партия бутун совет халқининг актив ёрдамига таяниб халқ хўжалигини янада ривожлантиришга, мамлакат қудратини мустаҳкамлашга ва халқнинг фаровонлигини тинмай юксалтиришга, капитализм билан тинч иқтисодий мусобақада социализмнинг ғалаба қилишга қаратилган бирқанча муҳим тадбирларни амалга оширди. Машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш ва қишлоқ хўжалик техникасини колхозларга сотиш соҳасида ўтказилмоқчи бўлаётган тадбирлар кейинги вақтларда саноат ва қурилишни бошқаришни қайта қуриш мақсадида амалга оширилган тадбирлар билан, шунингдек бошқа муҳим тадбирлар билан бир қаторда турган ва КПСС XX съездининг, қишлоқ хўжалигини юксалтириш ишларини ғайратни сусайтирмай давом эттириш керак, деб берган кўрсатмаларидан бевосита келиб чиқаётган тадбирлардир. Совет халқи съезднинг шу кўрсатмаларини бажариш учун курашиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда зўр муваффақиятларга эришди ва эндиликда аҳоли жон бошига гўшт, сут ва ёғ етиштириш жиҳатидан яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш учун кенг ҳаракатни авж олдириб юборди. Аҳоли учун озиқ-овқатни, саноат учун хомашёни мўл-кўл қилиб етиштириш мамлакатимиздаги коммунистик қурилишнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бу мақсадга амалда эришиш партиямизнинг ҳамиша программ вазифаси бўлиб келди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси мамлакатимизда меҳнаткашлар ҳокимиятини ўрнатиб, аграр масалани тарихда биринчи бўлиб ҳал қилди ва ерни деҳқонлар қўлига топширди, қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш учун негиз солди. Совет ҳокимияти ўрнатилган биринчи кундан бошлаб, Советларнинг Бутунроссия II съезди «Ер тўғрисида» декрет қабул қилган пайтдан бошлаб Коммунистик партия қишлоқ хўжалигини юксалтириш, майда тарқоқ ва қолоқ деҳқон хўжалигидан умумлаштирилган йирик социалистик деҳқончиликка ўтиш вазифасини ўз олдига қўйди. Коммунистик партиянинг қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуришга қаратилган ленинча сиёсатни амалга ошириш йўлида кўп йил қунт билан ишлаши натижасида бу сиёсат тўла тантана қилди, колхоз тузуми ғалаба қозонди.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш тугалланганидан кейин колхоз тузумини янада ривожлантириш тадбирларининг амалга оширилиши ва машина-трактор станцияларининг қайта ташкил қилиниши социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда қўйилган ғоят муҳим янги ва катта қадам бўлади. Ҳозир колхозлар иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан йирик социалистик корхона, совет тузумининг қишлоқдаги мустаҳкам таянчи бўлиб қолдилар. Социалистик индустрия қишлоқ хўжалигимизни тобора кўпроқ миқдорда таъминлаётган биринчи даражали техника колхозларни тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлашнинг манбаларидан биридир. Колхозларда меҳнатни ва ишлаб чиқаришни тўғри ташкил қилиш, замонавий техникадан моҳирлик билан фойдаланиш шундай асосий бир нарсадирки, қишлоқ хўжалигимизнинг коммунизм сари борадиган йўлда ривожланиши шу нарсага боғлиқдир ва шу билан белгиланади. Коммунистик партия Марказий Комитети, колхозларга бутун асосий қишлоқ хўжалик техникасини ўз қўлларига олиб, бу техникадан колхоз ишлаб чиқаришини ривожлантириш манфаатлари йўлида, бутун халқ манфаатлари йўлида фойдаланиш имкониятини бериш бу масалани ҳал қилишнинг энг яхши йўли бўлади, деб ҳисоблайди.

Коммунистик партиянинг улуғ йўлбошчиси, Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин турмушни энг яхши устоз деб айтган эди. У бундай деган эди: «Биз турмушга эргашмогимиз лозим. халқ оммасининг ижодкорлик қилиши учун тўла эркинлик бериб қўйишимиз лозим» (Асарлар, 26 том, 229-бет). Ленининг бу талаблари марксизм-ленинизм назариясини ижодий равишда татбиқ қилиб ривожлантириб келаётган, улуғ мақсадга борадиган йўлдаги ҳамма ғовларни ва тўсиқларни синдириб ташлаётган, совет жамиятининг коммунизм сари муваффақият билан олға боришига ҳалақит берувчи ҳамма қолоқликларни ва ўз умрини тугатаётган нарсаларни олиб ташлаётган партиямизнинг бутун фаолиятида йўлчи юлдуз бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Тракторлар ва бошқа йирик қишлоқ хўжалик машиналарини колхозларга сотиш ҳамда МТСларни қайта ташкил қилиш соҳасида таклиф қилинаётган чораларни турмушнинг ўзи зарур қилиб қўйди, бу чораларнинг амалга оширилиши шонли колхозчи деҳқонларнинг бутун совет халқи билан бирликда Коммунистик жамият қуришга актив ва ижодий қатнашувлари учун тағин ҳам кенг майдон очиб беради.

Совет халқи ўз хизматлари билан бутун дунёда новатор халқ, ижодкор халқ бўлиб шуҳрат қозонди. У тарихнинг ҳеч ким билмаган йўлларидан биринчи бўлиб бориб ўз мамлакатида социалистик жамият қуриш каби улуғ шарафга эга бўлди. Эндиликда совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида марксизм-ленинизм байроғи остида ғалабадан ғалабага сари ишонч билан олға бормоқда. У ўзининг улуғ мақсади сари қардош Хитой халқи билан, барча социалистик мамлакатларнинг халқлари билан қўлни-қўлга бериб бормоқда, бу йўлда уни бутун прогрессив инсоният ҳайрихоҳлик билан қўллаб-қувватламоқда.

Коммунистик партия Марказий Комитети шу тезисларни эълон қилиш билан совет халқига мурожаат қилиб, уни колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисидаги таклифларини муҳокама этишда ва ишлаб чиқишда актив қатнашишга, шу тариқа мамлакатимизда коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли равишда амалга оширмоқ учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган бу масалани энг тўғри ҳал қилиш йўлини топиб беришга чақиради.

НАЗАРМАТ

Икки шъер

МУНАҚҚИШ

Читга гул босишдир севган ҳунаринг,
Хаёлингда кезар ипак жилваси,
Қандай нафис ранг олгандир гулларинг,
Изингдами чаманларнинг ҳаммаси.
Яногингдай табассумли, шўхчан, соз,
Боққан сари қитиқлайди дилингни,
Гулшан бўлиб йўлларингда поёндоз,
Кезасанми баҳор бўлиб элингни.

Унинг гўзал водиларин ҳар нақши,
Юрагингдан жой олганми азалдан,
Бир-биридан кўрки бошқа, кўп яхши,
Келтиргансан гулни қайси гулзордан.
Кўрган киши қойил қолар гулингга,
Боғбонмисан, қайга борсанг йўлинг гул,
Дейман, хурсанд боқиб ҳар маҳсулингга,
Мунаққишсан, ўзинг зебо, қўлинг гул.

ТУҚУВЧИ ҚИЗЛАР

Комбинат ҳовлисин кўркам ўртаси,
Кенг асфальт йўлкали, салқин дарахтзор,
Ундан кулиб боқди Ҳурмат тахтаси,
Қизлар расмин кўрдим, турарди қатор.
Шарафли ишлари ёзиқ зарҳалда,
Диёр муҳаббатин сўзлар ҳар бири.
Кўнглим завққа тўлиб, бехос маҳалда
Шод кулги эшитдим, мендан сал нари —

Бир-бирин қувлашиб, кулишиб қизлар,
Гул каби очилиб, яшнаб келарди,
Менга кулиб боққан бу таниш юзлар
Қалбга янги илҳом бошлаб келарди.
Расмин эслатган юрт барнолари
Цехлар юрагига шошарди бари.
Илҳом тахтасига ёздим номларин,
Зарҳали қувончим-қалбим гавҳари.

Коммунизмнинг актив ижодкорлари

☆

Чексиз миннатдормиз

Заводимизда 12 цех бор. Цехлараро социалистик мусобақа намунали йўлга қўйилган. Бизнинг цехимиз коллективи январь ойи ишлаб чиқариш планини 130 процентга етказиб бажарди ва социалистик мусобақада ғолиб чиқиб, завод кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди. Цехимиз ишчилари кўчма Қизил байроқни ўз қўлларида сақлаб қолиш учун гайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Бу соҳада, айниқса Л. Шураева, М. Куракина ўртоқлар каби илғор хотин-қиз ишчилар бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Заводимиздаги ишчилар турли масалаларда менга тез-тез мурожаат қилиб турадилар. Яқинда 3-механика цехининг ишчиси З. Иброҳимов янги квартира олишда ёрдам беришни сўраб менга мурожаат қилди. Мен Иброҳимовнинг уйига бордим, унинг оилавий аҳволи билан яқиндан танишдим. Сўнг бу масалани завод дирекцияси ва партия ташкилоти олдига қўйдим. Натижада Иброҳимовнинг талаби қондирилди.

Биз, Тошкент Транспорт машинасозлиги заводининг ишчи ва хизматчи хотин-қизлари жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг хотин-қизлар ҳақида қилаётган доимий ғамхўрлигидан чексиз миннатдормиз. Область хотин-қизларининг йиғилишида, шунингдек Ўзбекистон хотин-қизларининг съездида буни яна бир марта тўла овоз билан айтамиз, меҳнатда эришаётган муваффақиятимиз, эркин ҳаётимизнинг гуллаб-яшнаётганлиги ҳақида гапириб берамиз.

Унсуной АҲМЕДОВА,

Тошкент Транспорт машинасозлиги заводининг контрольмастери, Тошкент область Советининг депутати.

Факт ва рақамлар

◆ Областда халқ хўжалигининг барча соҳаларида ишлаётган мутахассислар орасида 28.500, шу жумладан 14.000 дан ортиқ олий маълумотли хотин-қизлар бор. Қурилиш, проектлаш, илмий-текшириш муассасаларн ва бошқа ташкилотларда 2300 хотин-қиз инженер, 3500 хотин-қиз техник бўлиб ишламоқда.

◆ Савдо, тайёрлаш ва моддий-техника таъминоти соҳасида ишловчиларнинг 48 процента, умумий овқатланиш муассасаларида ишловчиларнинг 70 процента яқини, давлат ва хўжалик бошқармаси, жамоат, кредит ва страхование ташкилотларида ишловчиларнинг қарийб 48 процента хотин-қизлардир.

«Ўзбексельмаш» заводида эркаклар билан бир қаторда кўпгина хотин-қизлар ҳам меҳнат қилмоқдалар. **Суратда:** Механика цехининг контролёри **А. Срекалова** заводнинг илғор ишчиларидан бири ўртоқ **Н. Самиева** билан суҳбатлашмоқда.

В. Салов фотоси.

☆

Меҳнатда янги муваффақиятларга эришиш учун

Фабрикамиз тикувчилари асосан хотин-қизлардир. Бу ерда меҳнат қилаётган икки ярим мингдан ортиқроқ тикувчининг 99 процентини биз хотин-қизлар ташкил этамиз. Партия ва ҳукумат бизнинг нормал меҳнат қилишимиз учун барча шароитларни яратиб берганлар. Корхонамизда бирорта тикувчи йўққи, смена топшириғини ортиқ билан бажармаётган бўлсин.

Коллективимиз аҳолига кенг истеъмол моллари етказиб беришни янада кўпайтиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётирлар. Тикувчиларимиз илғор технологияни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, янги техникадан фойдаланиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқариш воситаларини тинмай такомиллаштириб боришда ўзларини кўрсатмоқдалар. Фабрикамиздаги асосий 7 та тикув цехини малакали хотин-қиз инженер-техниклар бошқариб турибди. Юзлаб техниклар ишлаб чиқариш участкаларига моҳирлик билан раҳбарлик қилаётирлар.

Фабрикала меҳнат қилаётган 2294 хотин-қизнинг деярли ҳаммаси турли курсларда, техникум ва олий ўқув юртларида билим олмоқдалар, ўз малакаларини оширмоқдалар. Фабрика ҳузурида ташкил этилган 4 йиллик тикувчилик техникумини ҳар йили юзлаб хотин-қизларимиз битириб чиқаётир. Тикувчилар корхонага келтирилаётган янгидан-янги машиналарни пухта ўрганиб олмоқдалар, меҳнат унумдорлигини оширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Фабрикамиз Совнархоз ихтиёрига ўтказилганидан сўнг ҳар қачонгидан ҳам яхши ишлайдиган бўлиб қолди, ишлаб чиқараётган маҳсулотимизнинг сифати ҳам кескин яхшиланди. Совнархознинг қарорига биноан корхонамиз ихтисослаштирилиб, фақат болалар, хотин-қиз ва эркаклар пальтоси, макентошлари тикишга кўчди. Бу тадбир корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини анча ошириб, маҳсулотнинг сифатини янада яхшилаш имкониятини берди.

Буни бизнинг цехимиз мисолида кўриш мумкин. Коллективимиз январь ва февраль ойлари ишлаб чиқариш планини муддатидан олдин бажаришга эришди. Моҳир мотористларимиздан Мамлакатхон Раҳматуллаева, шу корхонада 20 йилдан буён фидокорона меҳнат қилиб келаётган Евдокия Мирошникова, Нина Кузнецова, новатор тикувчи Жаҳон Муродова ва бошқа ўнлаб ишлаб чиқариш илғорлари шу кунларда айниқса ғайрат кўрсатаётирлар. Улар болаларга, хотин-қизларимизга хушбичим, чиройлик устки кийимларни кўплаб етказиб бериш иштиёқи билан меҳнат қилмоқдалар.

Тикувчи хотин-қизларимиз фидокорона меҳнат қилиш билан бирга, жамоат ишларида ҳам актив қатнашаётирлар. Корхонамиз ўзининг бадиий ҳаваскорлик, бадиий тикиш, физкультура ва спорт тўгаракларига эгадир.

Фабрикамизнинг меҳнатсевар хотин-қизлари СССР Олий Совети сайлови шарафига бошланган социалистик мусобақани янада қизгин тус олдириб, меҳнатда катта муваффақиятларга эришиш учун курашаётирлар.

Лола КАЛОНОВА,

«Қизил тонг» фабрикаси 5-цехининг бошлиғи.

☆

Мангу бахтиёрман

Мамлакатимиз халқ хўжалигининг бирор соҳаси йўққи, унда хотин-қизлар муайян бир касб эгаси бўлиб ишламаётган, ўз фидокорона меҳнати билан ватанимизни гуллаб-яшнатиш ишига баракали ҳисса қўшмаётган бўлсин.

Масалан, биргина областимизда 8 мингга яқин хотин-қиз ўқитувчи бўлиб ишламоқда. Улар ёш авлодни ўқитиш ҳамда уларни ҳаётбахш совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялямоқдалар. Мен ҳам шу шарафли касб эгаларининг бири бўлганим учун бахтиёрман. Бу бахтга биз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ва жонажон Коммунистик партиямизнинг совет хотин-қизлари тўғрисида қилаётган доимий ғамхўрлиги туфайли эришганлигимизни яна бир бор изҳор қилмоқчиман.

Хотин-қизлар совет Конституциясида олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилган ҳуқуқларининг барчасидан эркаклар қатори фойдаланмоқдалар.

Мана, мен 16 йилдан буён ўқитувчилик қилиб келмоқдаман. Шу давр ичида юзлаб ўғил-қиз болаларни ўқитдим, тарбиялядим. Улардан кўплари олий ўқув юртларида таълим олмоқдалар, турли касб эгалари бўлиб ишламоқдалар. Бу соҳадаги хизматим муносиб тақдирланди. Тошкент шаҳар Совети депутатлигига сайландим, медаллар билан мукофотландим. «Халқ маорифи аълочиси» деган унвон олишга муваффақ бўлдим.

Бунинг учун партия ва ҳукуматимизга мангу миннатдорчилигимни изҳор қиламан ҳамда бундан кейин ҳам бутун билимим ва педагогик маҳоратимни ёш авлодни ўқитиш, уларни коммунистик ахлоқнинг барча юксак сифатларига эга қилиб тарбиялашга бағишлайман.

Муаттар АФАНДИЕВА,

Октябрь районидаги 13-мактаб ўқитувчиси.

Факт ва рақамлар

◆ Барча қишлоқ хўжалик ходимларининг 50 процентдан ортиғи хотин-қизлар бўлиб, улардан 15 киши колхоз правлениесининг раиси, раис ўринбосари ва бошланғич партия ташкилотининг секретари, 276 киши правление ва 125 киши ревизия комиссиясининг аъзоси, 112 киши бригада ва 1505 киши звено бошлиғи бўлиб ишламоқда.

◆ Область хотин-қизлари орасида 706 СССР ва Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, артист, ўқитувчи, врач, агроном, зоотехник, ирригатор, кутубхоначи, шунингдек бир неча фан доктори, ўнлаб фан кандидатлари бор.

Меҳнат қучоғида

Коммунистик партия улуғ Ленининг кўрсатмаларига амал қилиб, хотин-қизларни хўжалик ва маданий қурилишга, ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларига кенг жалб этиш, уларнинг маънавий ва маданий-маиший эҳтиёжларини тўла қондириш масаласига доимо катта эътибор бериб келди ва ҳозир ҳам ана шундай катта эътибор бермоқда. Шу туфайли хотин-қизларнинг ижодий ва ташкилотчилик қобилиятлари тобора катта куч билан намоён бўлмоқда. Улар коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида актив иштирок қилмоқдалар. КПСС XX съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун олиб борилаётган курашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Буни областимиз хотин-қизлари мисолида яққол кўриш мумкин.

Хотин-қизлар область саноат корхоналарида ишлаётган барча ишчи ва хизматчиларнинг 45 процентини, қурилишларда эса 23 процентини ташкил этади. Уларнинг кўпчиллиги ишлаб чиқаришнинг илғорлари ва новаторлари ҳисобланади. «Ташкенткабель» заводининг донгдор ишчилари Шацких, Давидова, Чепигина, электролампа заводининг ишчилари Морозова, Зокирова, Пескова, тўқимачилик комбинатининг ишчилари Нурматова, Сухорукова ва бошқа корхоналарнинг юзлаб ишчилари социалистик мусобақа пешқадамлари, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳаракатининг ажойиб ташаббускорлари сифатида таниладилар.

Кўпгина хотин-қизлар ишлаб чиқаришда раҳбарлик вазифасини муваффақият билан адо этаётирлар. Область саноат корхоналарида ишлаётган раҳбар ходимларнинг қарийб учдан бир қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Улар асосан олий ва ўрта маълумотли инженер-техник ходимлардир. Тошкент тўқимачилик комбинатининг цех бошлиқлари Шомансурова, Селенкова, Рябинина ўртоқлар шулар жумласидандир. Бу цехларнинг коллективлари давлат планларини бажариш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулотнинг сифатини яхшилашда катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Хотин-қизлар бошчилик қилаётган ана шу каби цех, смена ва бригадаларни областдаги ҳар бир корхонада учратиш мумкин.

Область партия ташкилоти саноат, транспорт ва қурилишларда ишлаётган хотин-қизларни тарбиялаш, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилишни таъминлаш билан бир қаторда, хотин-қизларни, айниқса ўзбек хотин-қизларини ишлаб чиқаришга янада кенг жалб этишга катта эътибор бераётир. Кейинги 7 йил ичида саноат корхоналаридаги ишчи ҳамда хизматчилар қаторига янгидан 20 минг хотин-қиз келиб қўшилди ва уларнинг сони ҳозирги вақтда 76550 кишини ташкил этади.

Хотин-қизлар айниқса қишлоқ хўжалигида катта куч бўлиб қолдилар. Область колхоз, совхоз ва МТС ларида ишлаётган барча колхозчилар, ишчилар ва механизаторларнинг 50 процентдан кўпроғи хотин-қизлардир. Улар пахтачилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган курашга катта ҳисса қўшмоқдалар. Кўпгина хотин-қизлар колхозларга раҳбарлик, бригада ва звеноларга бошчилик қилаётирлар.

Сирдарё районидаги «Ҳақиқат» колхозига кўп йиллардан буён Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Назира Йўллошева раҳбарлик қилиб келади. Колхоз аъзолари ҳар йилгидек ўтган йили ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳар гектар ердан 42,5 центнер ҳосил йиғиб олинди. Колхозда кейинги беш йил ичида ҳар гектар ернинг ҳосилдорлиги қарийб 12 центнер, хўжаликдан олинаётган даромаднинг миқдори эса уч баравардан кўпроқ ошди ва 1957 йили 6 миллион 300 минг сўмни ташкил этди.

Шунингдек Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхознинг раиси Рихси Йўлдошева, Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхознинг бригада бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўхта Абдуллаева, Гулистон районидаги «Красная заря» колхозининг бригада бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Лола Эрбўтаева, Октябрь районидаги Киров номли колхознинг кекса бригада бошлиғи Анна Дмитриевна Полюнина ва бошқа кўпгина ўртоқлар юқори ҳосил етиштиришнинг ажойиб усталари сифатида ном чиқарганлар. Ана шу колхоз ва бригадаларда ҳам ўтган йили пахтадан мўл ҳосил олинди.

Жуда кўп хотин-қизлар ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш, меҳнаткашларнинг соғлиғини сақлаш соҳасида ишламоқдалар. Область мактабларидаги ўқитувчилар орасида 7425, соғлиқни сақлаш муассасаларидаги врачлар орасида 5 мингга яқин хотин-қиз бор. Олий ўқув юртларида, илмий-текшириш муассасаларида хотин-қизлар ўртасидан етишиб чиққан кўпгина фан докторлари ва кандидатлари, малакали илмий ходимлар ишлаётирлар.

Область хотин-қизларидан 6 минга яқин киши саноат, қишлоқ хўжалиги, санъат, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ва фан-техникани ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун СССРнинг орден ва медаллари билан мукофотланди. 20 дан ортиқ хотин-қиз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган унвонни олишга сазовор бўлди. Ўнлаб хотин-қизларга СССР халқ артисти, Ўзбекистон ССР халқ артисти, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи деган ва бошқа Фахрий унвонлар берилган.

Областимиз хотин-қизлари давлатни бошқаришда кенг иштирок этмоқдалар, партия, совет ва хўжалик ташкилотларига моҳирлик билан раҳбарлик қилмоқдалар. Улардан 3000 га яқин киши СССР, Ўзбекистон ССР Олий Советлари ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг депутатилир. Хотин-қизлардан 9 киши район партия комитетларининг, 385 киши бошланғич партия ташкилотларининг секретари вазифасида ишламоқда.

Бутун мамлакатимиздаги каби областимизда ҳам хотин-қизларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратилиб берилган. Ҳозирги вақтда область шаҳар ва қишлоқларида ишлаб турган ва 120 мингдан ортиқ ўринга эга бўлган кўп сонли болалар боғча ҳамда яслилари уларнинг ихтиёридадир. Бундан ташқари болалар консультациялари ва бошқа даволаш-профилактика муассасаларининг, хотин-қизлар консультациялари ҳамда туғруқхоналарнинг кенг тармоғи вужудга келтирилган.

Октябрь қўёшининг ҳаётбахш шуъласи сиймоларида тўла акс этган барча совет хотин-қизлари каби областимиз хотин-қизлари ҳам ўзларига бахт-саодатли ҳаёт йўлини абадий очиб берган Коммунистик партия ва Совет давлатидан чексиз миннатдордирлар.

Ҳ. СОДИҚЖОНОВА,

Тошкент область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг инструктори.

Редактор ўринбосари М. ҚОРИЕВ.

Р. 00897. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-418.